

Жиноий ишлар бўйича судьяларга “Уйдаги зўравонлик” мавзусидаги қўлланма

Оила тўғрисидаги идеал тасаввур – бу нотаниш дунёning хавфларидан яшириниш мумкин бўлган жаннатdir.

Қадрдон уй баъзан кўчага қараганда ҳам хавфли бўлиши мумкинлиги анчайин қайгули воқеликдир. Баъзан нотанишга қараганда ўзинг биладиган ва севадиган одамдан жароҳат олишинг эҳтимоли бор.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларининг оиладаги зўравонлик ва ҳақоратлаш фожеасига эътиборининг ортиши жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини ана шу муаммога ва у мавжудлигининг жиддий оқибатларига қаратди. Тобора кўпроқ хотин-қизларнинг зўравонликка дучор бўлаётган пайтдан бошлаб ушбу муаммо хусусида сукут сақлаш девори йиқитилди. Хотин-қизлар ўз қисматлари тўғрисида гапира бошладилар, бу воқеаларни эълон қилишга рухсат бердилар. Биз оиладаги зўравонлик анчайин кенг ёйилган шафқатсиз воқелик эканлигини англай бошладик.

Кўп қўлланиладиган “оиладаги зўравонлик” атамаси хусусида ҳозирча барча тадқиқотчилар томонидан шакллантирилган ва келишилган ягона таъриф мавжуд эмас. Биз нима ҳақида гапиряпмиз?

Бу масалада гап хўрлаш ва камситиш, дўстлари ва қариндошларидан ихоталаш, амалда жисмоний жароҳат етказиш ёки бунга дучор қилиш таҳди迪, шаҳвоний мажбурлаш ва ҳоказолар тўғрисида кетмоқда. Бу дўст, шерик томонидан зўравонликни, эрнинг ҳақоратлаши ва калтаклаши, болалар билан шафқатсиз муомала қилишини қамраб оладиган уйдаги зўравонликнинг барча мисолларидир.

Уйдаги зўравонлик жисмоний ва шаҳвоний ҳақоратлашга, шунингдек руҳий босимга олиб келади. Бу бир одам иккинчи одамнинг ўзини тутишини ва ҳиссиётларини назорат қиласидаган ёки назорат қилишга уринадиган “сурункали” вазиятлар, шунингдек ўзининг ҳукмронлигини нотўғри англашдир. Бунинг оқибатида оила аъзоларига ижтимоий, иқтисодий, шаҳвоний ёки жисмоний зарап ёки шикаст етказилиши мумкин.

Ажгихиной Н. фикрига кўра, уйдаги зўравонлик – бу ўзларининг яқинлари устидан ҳукмронлик ва назорат қилишга эришиш мақсадида тобора тез-тез жисмоний, шаҳвоний, сўз билан, ҳиссий ва иқтисодий ҳақоратлашнинг такрорланиб туришидир¹.

Уйдаги зўравонлик эпидемия сингари ўзларининг жабрдийдаларини қандайдир муайян ижтимоий ёки этник гурухлардан танлаб олмайди, у аҳолининг турли қатламларидаги оилаларда мавжуддир².

Бироқ уйдаги зўравонликнинг аҳолининг барча гурухларига хос бўлган “алоҳида белгилари” мавжуддир. Масалан:

¹ Янада муфассалроқ қаранг: Ажгихина Н. Кто защищает женщин. - М., 1996.

² Шунингдек қаранг: <http://modkb.by/profilaktika-nasiliya-v-seme/499-chto-takoe-domashnee-nasilie>

- агар муносабатларда зўравонликнинг бир тури мавжуд бўлса, унинг бошқа кўринишлари ҳам ривожланиши эҳтимоли жуда юқоридир;
- барча кўринишлардаги уйдаги зўравонлик зўравонлик содир этган одам томонидан назорат ва хукмронлик қилишнинг барча кўринишларини қамраб олади;
- зўравонлик содир этиш ва зўравонлик такрорланишини қўллаб туришга олиб борадиган руҳий ва ижтимоий-маданий омиллар уйдаги зўравонлик турли кўринишлари учун кўпинча бир хил бўлади;
- зўравонлик оқибатлари бўлган руҳий жароҳат ва зўравонлик жабрдийдалари бошидан ўтказадиган аломатлар уйдаги зўравонликнинг турли кўринишлари учун бир хилдир.

Уйдаги зўравонлик қуидаги уч, бир-биридан кейин келадиган босқичдан шаклланиб, такрорланиб турадиган ҳолда ривожланади.

Биринчи босқич - сўз орқали ва/ёки ҳиссий бўлиши мумкин ҳақоратлаш алоҳида тутақтиришига хос кескинлик.

Иккинчи босқич: кескин зўравонлик ҳодисаси – бу босқич жуда салбий кўринишида бўлган асосий қулфатлар ва ниҳоятда ҳиссий тўлқинланишдан кейинги кескинликнинг энг жадал юмашидир, шунингдек бу вазиятлар башорат ва назорат қилина олмаслиги билан фарқланиб туради. Қаҳрнинг хуружи шу қадар кучли ва ҳақоратли бўладики, ҳақоратловчи қилмишларинг инкор эта олмайди, хотин-қиз эса бу ўзига кучли таъсир кўрсатаётганлигини тан олмаслиги мумкин эмас.

Учинчи босқич: “асал ойи”. Ушбу босқич пайтида эркак ўзгариши ва хотинини жуда севадиган бўлиб қолиши, ажабланарли тарзда яхшиликни намойиш этиши ва қилмишидан пушаймон бўлиши мумкин. У ажойиб ота ва эр бўлиб кўриниши, ҳар қандай ёрдамни таклиф этиши ва ҳеч қачон зўравонлик қилмасликка ваъда бериши мумкин. Бунда хотин-қизни зўравонлик қилишга гиж-гижлашда, “ўзининг тутақшига” сабабчи бўлганида айблаши мумкин. Аммо энди бу ҳеч қачон қайтарилмайди, у буни хотинига ваъда қиласи! Ана шу даврда хотин-қиз ўзини жуда баҳтли ҳис этиши мумкин: у бу одамни севади, у ўзгаришига ишонади. Бу хотин-қиз уйдан кетиши айниқса қийин бўлган вақтдир.

Бироқ бир марта содир бўлган зўравонлик, энг анифи, тобора кучайган ҳолда давом этади. Оиладаги тифизлик янада кучайиб боради ва зўравонликнинг тез-тез қайтарилиши бизга яхши маълум бўлган зўравонликнинг биринчи босқичи бошланганлигидан далолат беради. Ҳаммаси яна такрорланади. “Асал ойи” босқичи таркиб топган вазиятни ўзgartириш учун бирор чорани кўриш учун энг қулай пайтдир. Агар муаммо ҳал этилмас экан, “асал ойи” босқичи йўқолади ва унда муаммога барҳам бериш мураккаблашади.

Оиладаги зўравонлик хавфи ва унинг таъсири кўлами тўғрисида гапирилганда, гарчи зўравонлик ҳаракатлари фақат бир одамга йўналтирилганида ҳам оиланинг бошқа аъзолари тадқиқотчилар томонидан

“иккиламчи виктимизация”³ деб аталган ҳолатга дучор бўлади⁴. Бу уларнинг жабрдийда ҳис этадиган ўша руҳий уқубатларини бошидан ўтказишларида ўз ифодасини топади. Айниқса отаси онасини хўрлашини кузатаётган болалар оғир изтиобларга дучор бўлади.

Уйдаги зўравонлик гувоҳлари бўлган болаларга ваҳима, оғир руҳий кайфият, мактабда фанларни ўзлаштира олмаслик, ўзига ўзи ёмон баҳо бериш, тунги босинқираш, жисмоний лоҳаслик каби руҳий ёки хулқий муамолларга дуч келиш катта хавфи таҳдид солади. Улар зўравонликни бошидан ўтказган болалар каби ўzlари руҳий муаммолар орттирадилар.

Уйдаги зўравонлик – гапириш жуда муҳим бўлган муаммодир, чунки ҳеч ким зўравонликка ва бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган муомалага дучор бўлмаслиги керак⁵.

Уйдаги зўравонлик турларини батафсилоқ кўриб чиқайлик. Ҳиссий зўравонлик

Ҳиссий зўравонлик нима деган саволга кўпчилик одамлар уларнинг айримларини келтиради: зўравон шерик хотин-қизни камситади, ҳақоратлайди, у билан гаплашмайди. Юқорида айтилганидек, ҳатто хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимоячилари ҳам ҳиссий зўравонликни қийинчилик билан таърифлар экан, буни ягона тарзда – ўз тажрибаси ҳақида ҳикоя қилиб тушунтиришлари ажабланарли эмас.

Кенг маънода ҳиссий зўравонлик танқид, камситиш, яккалаш, хотин-қизни ташлаб кетиши таҳди, хотин-қизга, болаларга, дўстлари ёки оиласининг аъзоларига заар келтириш таҳди, эксплуатация қилиш ва молиявий назоратни қамраб олади. Шунга қарамасдан, ўзини тутишни батафсил баён этиш аниқ таърифни шакллантиришга имкон бермайди. Эҳтимол, ҳиссий зўравонликни таърифлаш муаммосининг асосий сабаби шундан иборатки, буни хотин-қизга зўравонлик қилиш маъносидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Давра сухбати баҳсларидан бирида бундай таъриф сохта парадигмани⁶ яратади деган холосага келинди⁷. Айни пайтда одамларни ана шу таърифсиз ҳиссий зўравонлик муаммоси тўғрисида қандай хабардор қилиш мумкин? Биз ҳиссий зўравонлик нима эканлигини англаб этиш учун умуман хотин-қизга зўравонлик қилиш нима эканлигини тушунишимиз керак.

Биз хотин-қизларга нисбатаг зўравонликни қандай таърифлаймиз? Кўпчилик таърифлар икки унсурдан иборат. Биринчидан, гап заар келтирадиган ҳаракат ёки ҳаракатлар тўғрисида кетмоқда. Иккинчидан,

³ Виктимизация (лотинча “victima” — “жабрдийда”) — жиноий тажовузни жабрдийдага айлантириш жараёни ёки птровард натижаси (*таржимон изоҳлари*)

⁴ Ушбу атама хусусида янада муфассалроқ қаранг: - <http://naukarus.com/viktimizatsiya-ponyatie-i-vidy>

⁵ Кўриб чиқилаётган соҳадаги халқаро стандартлар ҳақида қўшимча:

<https://www.legislationonline.org/international-standards/topic/25>,

<https://www.legislationonline.org/ru/international-standards>

⁶ Парадигма (юнонча: παράδειγμα) – мисол, модель, намуна

⁷ <http://www.psypress.org/books/titles/978-0-271-08206-6.html>

зўравонлик шериги устидан ҳукмронлиги бўлган одам томонидан қилинади. Хотин-қиз устидан гетероشاҳвоний⁸ муносабатларда зўравонлик ҳолатларида ижтимоий меъёрлар эркакларларга хотин-қизлар устидан ҳукмронликни тақдим этади.

“Хотин-қизлар устидан зўравонлик” таърифи қуидаги омилларни қамраб олади:

Хотин-қизни тобе ҳолда ушлаб турадиган ҳар қандай оғзаки ёки жисмоний таъсир кўрсатиш, мажбурлаш ёки алоҳида хотин-қиз ёки қизга нисбатан йўналтирилган ҳаётга таҳдид соладиган руҳий заар, камситиш ёки озодликдан қасдан чеклаш.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг бошқа таърифи янги – заҳмат чеккан одамнинг иродасига қарши равища зўравон томонидан қасдан бу қилмишларни амалга оширилиши мезонини қўшади:

Заар келтирадиган ёки заар келтириш таҳдиини яратадиган англанган ҳолдаги ёки қасдан қилинган ҳаракатлар... Ушбу ҳаракатлар қилинганида шерикнинг овози писанд қилинмаслиги ёки янада адоват билан қабул қилиниши, шунингдек бу ҳаракатлар ҳукмронлик номутаносиблигини эксплуатация қилиниши. Табиатан бу ҳаракатлар шерик томонидан эркин ва хабардор бўлган ҳолдаги розилиги қарама қаршидир⁹.

Ушбу таърифларда ҳисобга олинмаган бир масала очиқ қолади – яккаю ягона ҳаракат зўравонлик ҳисобланадими ёки гап факат мунтазам ва тақрорланиб турадиган ҳаракатлар тўғрисида кетмоқдами. Гарчи ҳатто бундай битта ҳаракат улкан заар келтириши мумкин бўлса ҳам ва унинг аҳамиятини инкор этиб бўлмаса ҳам хотин-қизлар мунтазам тақрорланиб турадиган ва зўравон ўзини назорат қилишини кафолатлайдиган кумулятив¹⁰ самара тўғрисида хабар берадилар. Хотин-қизларнинг тобе бўлишига улар бўлажак бўлажак зўравонликдан қўрқа бошлайдиган ва зўравон томонидан салбий таъсир бўлмаслиги учун ўзини тутишини ўзгартириши натижасида эришилади. Бу салбий таъсир ўйланганидек факат жисмоний зўравонликдан иборат эмас. Бундай таъсир хотин-қизнинг ўзини камситилган, азият чекаётган деб ҳис этишини мажбур қилиш ва бошқа нарсалардан ташқари бошқа одамнинг назорат қилишини қамраб олади. Шунинг учун хотин-қизга гисбатан зўравонлик ва ҳиссий зўравонлик – бир хил тушунчадир.

Ҳиссий зўравонлик – шерик томонидан и хотин-қиз устидан назорат ўрнатиш мақсадида мунтазам равища назорат қилинадиган ва зарарли ҳатти-ҳаракатдир. Ҳиссий зўравонлик натижасида хотин-қиз доим қўрқувда яшайди ва мунтазам равища ўзининг фикрлари, ҳиссиётлари, тутишини ўзгартириб туради, янги зўравонликларга йўл қўймаслик учун ўзининг эҳтиёжларидан воз кечади.

⁸ Гетерошаҳвонийлик (қадимий юононча: “έτερος”—“бошқа” ва лотинча: “sexus”—“жинс”) – бошқа жинсдагига нисбатан ҳиссий ёки жинсий майл

⁹Муфассалрок:https://www.researchgate.net/publication/287243680_Violence_against_women_Vulnerable_populations

¹⁰ Кумулятив (лотинча: “cumulatio” - “кўпайиш”, “тўпланиш”) – бирор нарсанинг жамланиб ортиши ҳолати.

Ҳиссий зўравонлик, шунингдек ҳам оғзаки, ҳам оғзаки бўлмаган алоқани қамраб олади. Назоратнинг оғзаки бўлмаган тактикаси имо-ишоралар, юз ифодалари, тана ҳаракатларини қамраб олади. Зўравон қошини чимириши кифоя қилади, бу қўрқув уйғотади ва хотин-қиздан бошқа ҳеч ким буни таҳдид сифатида қабул қилмайди. Кўпчилик мунтазам равишда хотин-қизларни уйида факат болалари тўғрисида ғамхўрлик қилишларини танқид қилишади, уларга доимий равишда ҳамма нарсани керагидек қила олмасликларини уқтиришади. Айрим хотин-қизлар агар ўзларининг зўравон билан муносабатларидағи феъл-автори тўғрисида гаплашишга уринсалар, дархол уларнинг ўзларини айблай бошлиши ёки бир неча соат, кун, ҳафта ёки ҳатто ой гаплашишдан воз кечишини айтишади¹¹. Зўравонлар тез-тез хотин-қизларга нисбатан “фоҳиша”, “манжалақи” каби ҳақоратли сўзларни ишлатишади, уларни аҳмок, семиз, бадбуруш ва ҳоказолар дейишади ва бу яна ва яна тақрорланаверади. Зўравонлар хотин-қизларнинг қомати ва ташқи кўринишига нисбатан жамиятдаги андозалардан фойдаланишади, улар хотин-қизларнинг қимматлиги ва ардоқлигини нақадар озғин, лобар ва чиройлиги билан баҳолашади. Эркакларнинг жамиятдаги мақоми кўпинча “унинг” хотин-қизи ана шу камситувчи андозаларга мутаносиблигига боғлиқлиги сабабли зўравонлар хотин-қизларга бирорта эркак уни хуш кўрмаслигини тиқиширишга ҳаракат қиласидилар. Айрим ҳолатларда зўравонлар хотин-қизлар нима ва қанча еяётганликларини назорат қиласидилар.

Ҳиссий зўравонликка дучор бўлган хотин-қизлар зўравон ўзини ноизчил тутиб, уйдирма воқеаларни тўқиб, ўз ҳатти-ҳаракатларини рад этиб ёки ҳас-пўшлаган ҳолда “зехн ўйинлари”ни ёки “ақлни оздираган” тактикаларини қўллашларини баён этадилар.

Жанубий Осиёлик хотин-қизлар ўз эрларидан кўпинча зиддиятли маълумотлар олишларини кўрсатадилар. Улар хотин-қизлар устидан Канада жамиятига мослашмаганликлари учун куладилар ёки ўз юртлари анъаналаридан воз кечаетганликларини танқид қилишади¹². Агар хотин-қизларда ўтмишда руҳий муаммолар мавжуд бўлган ҳолатда “ақлни оздираган” тактика энг самарали бўлади. Бундай вазиятларда зўравон зўравонликда айблашларни рад этишади ва хотин-қиз шунчаки воқелик билан алоқани йўқотганлигини ёхуд руҳий касалликдан азият чекаётганликларини уқтиришади. Кўпинча хотин-қизлар шериги уларга ҳеч ким ва ҳеч қачон ишонмайди дейишларини айтишади. Чунки зўравон одамлар олдида ўзини аъло даражадаги шерик сифатида тутади.

Кўпчилик зўравонлар хотин-қизлар устидан ўз назоратларини кучайтириш учун таҳдидлардан фойдаланади. Тез-тез учраб турадиган таҳдидлар қуийдагилардир: кетиб қолиш, ўз жонига қасд қилиш, хотин-қизни, унинг дўстлари, оиласи аъзоларини ёки болаларини ўлдириш, зарар келтириш ёки уй ҳайвонларини ўлдириш, хотин-қизни пулсиз қолдириш, уни мамлакатдан бадарға қилиш, у энди болаларини ҳеч қачон кўрмаслиги

¹¹https://www.researchgate.net/publication/255821403_Family_Interventions_in_Domestic_Violence_A_Handbook_of_Gender-Inclusive_Theory_and_Treatment

¹² Ўша жойда

чораларини кўриш. Таҳдидлар билан бир йўла қўрқинч уйғотадиган бошқа тактикалар ҳам қўлланилади. Масалан, зўравон қуидагиларни қилиши мумкин: телефонни девордан юлиб олиш, деворни тешиш, хотин-қизга тегишли буюмларни улоқтириш, синдириш, унинг тепасига келиб ўдағайлаш, муштларини силкитиши, бақириш. Хотин-қиз зўравон ҳақиқатпан ҳам буни қилиши мумкинлигини тушуниши ва уни ўз талабларига бўйсундириш учун кўпинча таҳдидларидан фақат бирини амалга оширади.

Хотин-қизнинг фарзандлари бўлса, зўравон уларни ўз назорат тактикасига қўшиши мумкин. Айрим хотин-қизлар зўравонлар она ва бола ўртасидаги муносабатларни бузишга уринганликларини маълум қиласидилар. Зўравонлар онани болалари олдида уялтиришади ва сўкишади, она обрўсини тўкишади. Бошқа хотин-қизлар уларни болалар билан боғлиқ барча муаммолар – фарзандларнинг ўзларини ёмон тутишлари, ёмон баҳо олишлари ёки касалланишларида айблашганини айтадилар. Тадқиқот гуруҳидаги бир хотин-қиз эри доимий равишда бола ногирон бўлиб түғилганида унинг айби борлигини таъкидлаб келганини айтди. У қўп ҳолларда бу боланинг олдида гапирганлигини ҳамда она ҳам, бола ҳам зўравонликка дучор бўлганини кўшимча қилган.

Иқтисодий зўравонликлар

Зўравоннинг ўз шеригининг тобе бўлишини кафолатлайдиган бошқа бир восита – молия ресурслари устидан назоратдир. Агар хотин-қиз уй бекаси бўлса, унга оила даромадларига ҳеч қандай хуқуқи йўқлигини айтишади. Хотин-қиз ўз эҳтиёжлари учун пулни тилаб олиши керак бўлади. Кўпинча ўз уйининг ташқарисида ишлайдиган хотин-қизлар молиявий қарорлар қабул қилишдан маҳрум қилинади ва улар ўз иш ҳақларини зўравонга беришларига мажбурлар. Бошқа хотин-қизларга, оила даромадлари буни талаб қилмаса ҳам, жуда чекланган бюджет ажратиш тиқиширилган. Кўп ҳолларда хотин-қизлар ҳатто оила даромадлари микдоридан бехабар бўлганлар.

Шаҳвоний зўравонликлар

Ҳиссий зўравонлик шаҳвоний зўравонлик билан жуда қалин боғлиқдир, чунки ҳиссий зўравонлиқдан хотин-қизга ҳийла ишлатиш ва унинг шеригининг шаҳвоний талабларини бажаришга мажбур қилиш учун фойдаланилади.

Шаҳвоний зўравонлик ҳудди жисмоний зўравонлик каби хотин-қиз устидан зўравонлик қилиш соҳасидир. Камдан кам хотин-қизлар хукуқтартибот органларига бу ҳақда мурожаат қилишларига қарамасдан унинг хукуқий оқибатлари бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш муҳимки, 1982 йилга қадар Канадада эр томонидан хотинининг номусига тегишига қарши ҳеч қандай хукукий жазо кўзда тутилмаганди, бу умуман рўй бериши мумкин эмас деб ҳисобланарди. Қонун хотин эри билан шаҳвоний муносабатда бўлиши шартлиги ва эр хоҳлаган пайтда ҳамда бунга майли бўлса у “йўқ” дея

олмаслиги кўзда тутилган ижтимоий нормани акс эттиарди. Бундай қарашлар ҳозиргача кенг тарқалган ва зўравонлар бундан хотин-қизларни шаҳвоний зўрлаш учун ҳам очиқчасига, ҳам алдов йўли билан фойдаланишади.

Зўравон фаҳш билан шуғулланишни хоҳлаётганлигини, чунки у хотин-қизни севишини, хотин-қиз ҳам уни яхши кўришини далиллаши кераклигини айтиши мумкин. У агар хотин-қиз фахшдан бош тортса, хотин-қизни ҳиёнатда айблаши, бошқа эркаклар тўғрисида сўроққа тутиши мумкин. У хотин-қизни яхши шаҳвоний шерик бўлишига ўргатишини хоҳлаётганлигини айтиши, хотин-қиз порнографияни тамоша қилишини ва бунга тақлид этишини қаттиқ туриб талаб қилиши мумкин. Агар хотин-қиз бошидан ўтказган шаҳвоний зўравонлик тўғрисида сўз очса, эркак бу унга ёққанлигини ёки ана шунга лойиқлигини тахмин этиши мумкин. Баъзан хотин-қизни номусига текканда пайтда бўлганини такрорлаб беришга мажбурлашади. Оиланинг бошқа аъзолари билан бирга яшайдиган хотин-қизлар улар уйларида қариндошлари бўлганида фаҳш билан шуғулланишни рад этганларида бу билан шуғулланиша мажбур қилинганликларини гапириб беришган¹³. Бундан ташқари, ногирон хотин-қизлар шунингдек, зўравонлар ухлаётганларида, ҳушидан кетганларида ёки дори таъсири остида бўлганларида ҳам улар билан фаг билан шуғулланишга мажбурлаганларини маълум қилганлар.

Зўравонлар хотин-қизларнинг шаҳвоний саломатликлари ва репродуктив танловларини назорат қиладилар. Масалан, улар хавфсиз фаҳш ёки контрацепциялардан фойдаланишни рад этишлари ёки хотин-қиз аборт қилишини талаб этишлари мумкин. Зўравон, шунингдек хотин-қизнинг пуштисизлигини ўзининг зўравонлигини, хотин-қизни камситишишини оқлаш ҳамда фаҳш билан бошқа хотин-қиз билан шуғулланиш ёки у билан ажрашиш билан таҳдид қилиши мумкин¹⁴.

Кўпчилик хотин-қизлар зўравоннинг талабига рози бўлиш жўнроқлигини, чунки акс ҳолда улар ўзларини кечаси билан ухлатмаслиги ёки бўйсунмагани учун бошқача жазоланишини маълум қилишади. Айрим хотин-қизлар ҳатто ўзларини фаҳш билан шуғулланишга мажбур қилинганликларини инкор этишади, чунки уларда барибир ўзлари бунга рози бўлганниклари таассуроти пайдо бўлади.

Жисмоний зўравонлик

Жисмоний зўравонлик - жабрдийдага жисмоний зарап, қўрқув, жароҳат, бошқа жисмоний уқубатлар ёки тана жароҳатлари етказиш мақсадида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишадир. Мажбурий назорат қилиш маъносида жисмоний зўравонлик – жабрдийда устидан назоратдир. Муносабатларда жисмоний зўравонлик суръати кўпинча мураккаб кўринишда

¹³ <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC1781384/>

¹⁴ <https://www.routledge.com/Continuing-the-War-Against-Domestic-Violence-2nd-Edition/Ross/p/book/9780367869496>

бўлади. Жисмоний зўравонлик жабрдийдага таҳдидлар, уларни қўрқитиш ва яккалаш орқали онгини чеклаш, алдаш ва шахсий эркинликни бошқача чеклаш каби ўзгача ўзини қўпол ёки шафқатсиз тутишнинг энг юқори нуқтасидир. Жисмоний зўравонликка биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш, ухлашдан бош тортиш, наркотиклар ва спиртли ичимликларни мажбурлаб истеъмол қилдириш ҳам киради. Жабрдийда хиссий зарар келтириш мақсадида болалар ёки уй ҳайвонлари каби бошқа нишонларга тан жароҳатлари етказиш ҳам жисмоний зўравонлик шакли бўлиши мумкин.

Уйдаги зўравонлик маъносида бўғиши мухим эътиборга молик. Ҳозирги пайтда уйдаги зўравонликнинг ўлимга маҳкум қиласидиган энг аянчли турлаидан биридир; шунга қарамасдан ташқи жароҳатларнинг, шунингдек ижтимоий ҳамда ушбу соҳада тиббий хабардорликнинг мажуд эмаслиги сабабли бўғиши кўпинча яширин муаммо ҳисобланади. Шунинг учун АҚШнинг кўпгина штатлари бўғишига қарши аниқ қонунлар қабул қилди.

Хотин-қиз ҳомиладорлиги пайтида кучлироқ шафқатсихз муомала хавфига дучор бўлади ёки узоқ давом этаётган зўравонлик ўзининг шафқатсизлигини ўзгартириши мумкин. Бу онанинг ва ҳомиланинг саломатлиги учун салбий оқибатларга олиб келади. Шунингдек, хотин-қиз ҳомиладорлик пайтида жафокор туғилмаган болага зарар келтиришни хоҳламаслиги учун уйдаги зўравонликда танаффус бўлиши мумкин. Ҳомиладор бўлган хотин-қизлар учун уйдаги зўравонликнинг энг катта хавфи бола туғилгандан кейин бўлади.

Кислота сепиши – зўравонликнинг энг ашаддий туридир. Бунда кислота одатда жабрдийданинг юзига сепилади, оқибатда у оғир жароҳатлар олади, шу жумладан узоқ вақт кўр бўлиб қолиши ёки бир умр юзида чандиклари сақланиб қолади. Одатда зўравонликнинг бу тури хотин-қизнинг турмушга чиқишига ёки шаҳвоний муносабатларга кўнмаслиги учун қасд олишдир.

Яқин Шарқда ва жаҳоннинг бошқа жойларида режалаштирилаётган майший қотиллик ёки шаън қотиллиги жабрдийда оилани ёки жамиятни шарманда қилганлиги учун содир этилади. Жаҳоннинг айрим жиддий ижтимоий умидлар мавжуд бўлган қисмларида хотин-қиз турмушга чиққунга қадар бокира бўлиши шарт. Агар келин никоҳдан кейин бокира эмаслиги маълум бўлса, зўравонликнинг ашаддий турларига, ҳатто ўлдирилишга дучор бўлиши мумкин.

Кўпинча жиноят турмуш қурилгандан кейин қалин салмоқли бўлишининг талаби оқибатидир. Қалин билан боғлиқ зўравонлик, айниқса Жанубий Осиёда, хусусан Ҳиндистонда кенг ёйилган. 2011 йилда Ҳиндистоннинг Миллий жиноятларни рўйхатга олиш бюроси қалин сабабли 8618 та ўлим ҳақида маълум қилган. Аммо норасмий маълумотлар бундай ҳолатлар уч баравар кўп эканлигидан далолат беради.

Уйдаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммоси жамиятнинг кўпгина аъзолари томонидан у ёки бу даражада тан олинади. Кейинги йилларда ушбу муаммолар билан иш олиб борадиган жамоатчилик ташкилотлари ташкил этилмоқда, инқироз марказлари, уйдаги зўравонлик жабрдийдалари учун бошпаналар очилмоқда.

Уйдаги (маиший) зўравонлик – бу шунчаки туртиш ёки уриш эмас. Бу оила аъзолари устидан хукмронлик ва назоратни амалга ошириш учун фойдаланиладиган зўравонлик муомаласи тизимиdir.

Оиладаги зўравонлик унинг хоҳланган аъзосига йўналтирилган бўлиши мумкин, бироқ далиллар кўпинча уйдаги зўравонликнинг жабрдийдалари хотин-қизлар ва болалар бўлишларидан гувоҳлик беради. Уйдаги зўравонлик даврийдир: тажовуз даврлари тажовузкор пушаймон бўлиши ва ўз айбини ювишга уриниши ёки бу сўнгги марта бўлганлигига ваъда бериши мумкин нисбатан хотиржамлик даврлари билан алмашиши мумкин. Бундай даврларни рухшунослар “асал ойи” босқичи деб аташади. Бу хотин-қизни гангитиб кўяди: ўз шеригининг ёқимлигини кўриб, зўравонлик энди такрорланмаслигига ишона бошлайди. Хотин-қиз агар ўзи феъл-авторини ўзгартиrsa, янада меҳрибон ва итоаткор бўлса, шеригининг тажовузкорлигини назорат қила олиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлайди. Аммо мутахассисларнинг аралашисиз зўравонлик одатда такрорланади ҳамда мусибатли ва тез-тез рўй беради.

Зўравон томонидан устунлик ва назорат қилишга интилиш жабрдийдани тобора қул қилишга, хотин-қизда “калтакланган хотин” аломатини (ўз қадрини билмаслик, уялиш, айборлик ҳисси, тажовузкорни ҳимоя қилишга эҳтиёж) пайдо қиласди. Болаликда бошидан ўтказган зўравонлик тажрибаси таркиб топган вазиятга ақл-идрок билан қарашга, демак буни асосли ҳал қилишга йўл қўймайди. Агар қиз бола ёшлигига зўравонлик гувоҳи ёки бунга ўзи дучор бўлса, улғайганида оиласида зўравонликка дучор бўлади ёки буни ўз болаларига нисбатан қўлладайди. Уйдаги зўравонлик шароитида улғайган ўғил болалар тўғриси оила қургандан кейин буни ўzlари қўлладиган бўлади.

Жамиятда уйдаги зўравонликка нисбатан муайян афсоналар мавжуд. Улар зўравонни оқлашади, жабрдийдани айблашади ёки муаммони хас-пўшлашади (“ураётган экан – демак севаркан”, “хотин-қиз зўравонни ташлаб кетмаётган экан, демак у ўзига ёқар экан”, “хотин-қиз шундай муносабатга муносиб”, “эр ўз хотинини тарбиялаши ва жазолаши мумкин” ва ҳоказолар). Бундай қарашларга жамиятимизнинг кўпгина аъзолари, шу жумладан уйдаги зўравонлик иштирокчилари ҳам қўшилади. Бундай қарашларга барҳам бермасдан уйдаги зўравонлик билан курашиб бўлмайди.

Келинг, уйдаги зўравонлик тўғрисидаги мавжуд афсоналарни батафсил кўриб чиқайлиқ¹⁵.

¹⁵ https://www.hotpeachpages.net/lang/RussianTraining/myths_and_realities_of_dv.pdf,
<http://kraism.by/obshhestvo/45469-pravda-i-mify-o-domashnem-nasili.html>

Одамлар уйдаги зўравонлик тўғрисида гапирадиганларининг кўпчилиги нотўғридир. Афсоналар қилмиши учун масъулиятни бўйнига олмайдиган зўравонлар учун қулай ўзини оқловдир.

1-афсона: уйдаги зўравонлик – жиноят эмас, шунчака жсанжсал – аралашиши маъқул ҳисобланмайдиган оилавий ишдир¹⁶.

Маълумотларга кўра, зўравонликини кўллаш билан боғлик барча жиноятларнинг 80% уйда содир этилади.

Уйдаги зўравонлик – бу жазоланадиган жиноятдир. Кўпгина мамлакатлардаги хотин-қизлар ҳукуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган ҳукукшунослар ва адвокатлар уйдаги зўравонлик жиноятларнинг барча турлари орасида биринчи ўринлардан бирини эгаллашини айтишади. Жиноятларнинг айрим турлари: танага шикаст етказиш, калтаклаш, қийнаш, номусга тегиш ва ҳоказолар учун жавобгарлик мавжуддир.

Маълумотларга кўра, зўравонликни қўллаш билан боғлиқ барча жиноятларнинг 80% уйда содир этилади.

Уйдаги зўравонлик – бу жазоланадиган жиноятдир. Кўпгина мамлакатлардаги хотин-қизлар ҳукуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган ҳукуқшунослар ва адвокатлар уйдаги зўравонлик жиноятларнинг барча турлари орасида биринчи ўринлардан бирини эгаллашини айтишади. Жиноятларнинг айрим турлари: танага шикаст етказиш, калтаклаш, қийнаш, номусга тегиш ва ҳоказолар учун жавобгарлик мавжуддир.

Шуни тушуниш мухимки, Жиноят кодекси амал этишига тааллукلى ҳолатлардан ташкари ҳозирги пайтда бизнинг амалдаги қонунчилигимиз белгилаб берадиган уйдаги зўравонлик ҳолатлари мавжуддир. Улар бунга қарамасдан хукуклари халқаро пактлар ва конвенциялар билан белгиланадиган инсонга нисбатан жиноят ҳисобланади. Ахлоқий-руҳий зўравонлик ўз оқибатлари бўйича жисмоний қотиллик, танаси бир қисмига шикаст етказиш эмас, бирок қўпгина ҳолатларда турли қўринишлари (масалан,

ичкиликтозлик) жонига қасд қилинадиган шахсни ўлдиришdir. Бунда қўл ва оёклар эмас, қадр-қиммат, ўзини хурмат қилиш мажрухланади. Ҳеч ким ҳалокатли касалланишларнинг неча фоизига бевосита ана шу ҳолатлар сабаб бўлганлигини, шунга ўхшаш шароитларда яшаётган болалар кейинчалик жиноятчиларнинг янги авлодларини пайдо қилиб, ёки тажовузкор, ёки жабрдийдалар бўлганликларини айтиб бера олмайди.

2-афсоңа: хотин-қызлар ҳам оиласда ұнды әркаклар каби тез-тез зұравонлик содир этадилар¹⁷.

Уйдаги зўравонлик вазияти пайдо бўлиши учун “ҳомий-қарам” муносабатлари мавжуд бўлиши керак. Қарамлик жисмоний (касалланиш, ногиронлик), хиссий, иқтисодий бўлиши мумкин.

Уйдаги зўравонликни бошидан ўтказганларнинг 95% - хотин-қизлардир.

3-афсона: эркак уйланиши ёки хотин-қиз билан бирга яшай бошлаши билан зұравонлықни түхтатады¹⁸.

Агар зўравонлик танишишнинг бошланғич босқичида содир бўлса, ҳаётда рўй берадиган ўзгаришлар, муносабатларнинг барқарорлигидан қатъи назар деярли ҳамиша кейинчалик ҳам рўй беради. Муносабатлар барқарорлашгани сари зўравонликни қўллаш ҳолатлари ортиб боради ва тобора мунтазамлик хусусиятини олади. Биргаликда яшай бошлаш, никоҳ, фарзанд туғилиши зўравонлик қилишга мойил эрда хотин-қиз унинг шахсий мулки эканлигига ишончини мустаҳкамлаб боради. Кунлардан бирида эса эркак зўравонликка қўл уриб, зўравонликни қўллаш билан боғлиқ руҳий чегарани босиб ўтади. Кейинчалик эса бу чегара тобора кўринмайдиган бўлиб боради.

4-афсона: зўравонлик – бу эр-хотин муносабатларида ҳукмронлик учун кураш¹⁹.

Эр-хотиннинг барча муносабатларида келишмовчилик учрайди ва ҳамиша бунинг оқибатида жанжал ва баҳслашув пайдо бўлади. Одамларда турли фикрлар ва тасавурлар бўлиши мумкин, бироқ зўравонликнинг баҳслашувларга мутлақо алоқаси йўқ. Зўравонлик – бу бир томон иккинчи томонга ўзини қандай тутиши кераклиги амрини ўтказадиган ҳукмронликни суистеъмол килишдир.

¹⁷ Шүннингдек каранг; : <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women>

¹⁸ Бу түғрисида мұфассалпроқ: этом <https://meduza.io/feature/2019/11/28/nas-uchat-terpet-byt-molchaliyimi-ustupchivimi-i-nokladistvimi>

5-афсона: уйдаги жанжаллар ва құл күтаришлар ўқимишили бүлмаган ижтимоий бефарқ одамлар үчүн хосдір²⁰.

Қатор тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, зўравонлик таълим ва даромади дараҷасидан қатъи назар ҳар қандай ижтимоий табакаларда учрайди.

6-афсона: ҳозирги даврда үйдаги зўравонлик камдан-кам учрайди²¹.

Оиладаги зўравонлик - жуда кенг тарқалган ҳодиса, у жиноятчилик турлари орасида биринчى ўринлардан бирини эгаллади ва мамлакат статистикаси маълумотларига кўра, оиласда ҳар уч хотин-қиздан бири зўравонликка дучор бўлади.

7-афсона: эркак сүз тополмаса, мушти билан гапиради²².

Зўравонлик қиласиган эркаклар сўз билан ўз фикрларини баён қилишга бошқаларга қараганда нўноқ эканлиларининг тасдиғи йўқ. Бу факат хотин-қиз сўзамолликда ҳамма вақт эркакдан устун келади, шунинг учун эркак қўполроқ чораларни қўллашга мажбур деган афсонага асосланган

8-афсона: зўравонликнинг портлаши хотин-қизнинг ўзининг фитнасидир²³.

Бу энг одатдаги ва жуда кенг тарқалган янглишишdir. Бунга мувофик, хотин-қиз эркакни қарғаб, безор қилиб, танбех бериб, нимадандир шикоят қилиб ёки талаб этиб уни гижгижлайди. Вақт ўтиши билан хотин-қизлар эркакнинг ниятини аниқлашга ёки талабларига бўйсунишга уриниб ҳам у

²⁰https://yk.com/wall-37592531_41587

²²https://books.google.co.uz/books?id=PTmvCQAAQBAJ&pg=PA16&lpg=PA16&dq=%D0%BA%D0%BE%D0%B3%D0%BA%D0%B0+%D1%83+%D0%BC%D1%83%D0%B6%D1%87%D0%B8%D0%BD%D1%8B+%D0%BD%D0%B5+%D1%85%D0%B2%D0%B0%D1%82%D0%B0%D0%B5%D1%82+%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2,+%D0%BE%D0%BD+%D0%B3%D0%BE%D0%B2%D0%BE%D1%80%D0%BD%D1%82+%D0%BA%D1%83%D0%BB%D0%B0%D0%BA%D0%BD%D0%BC%D0%BD%D0%BB&source=bl&ots=7Z7yNfUVw6&sig=ACfU3U3epzP8JJh2ZEyqn-PtEnWu4C1cQ8Hl-ru8ca_X8yad_2zbhUKFvivn

RVEzpwWCYlgQ&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKEwivp-3zpLDqAhVFVXpoKHTlhCT0Q6AEwAHoECAgQAQ#v=onepage&q=%D0%BA%D0%BE%D0%B3%D0%B4%D0%B0%20%D1%83%20%D0%BC%D1%83%D0%B6%D1%87%D0%B8%D0%BD%D1%8B%20%D0%BD%D0%B5%20%D1%85%D0%B2%D0%B0%D1%82%D0%B0%D0%B5%D1%82%20%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2%2C%20%D0%BE%D0%BD%20%D0%B3%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D0%BC%D0%BB&f=false

²³ https://focus.ua/ukraina/454742-sama_vinovata_kak_karantin_provotsiruet_na_domashnee_nasilie

томонидан содир этилаётган зўравонликка дучор бўлмасликка ёки бунга чек қўйишига қодир эмасликларини тушуниб етадилар.

9-афсона. Эр ўз хотинининг номусига тегиши мумкин эмас. Улар эр хотин ва ораларидағи фаҳси – эр-хотинлик бурчидир²⁴.

Шаҳвоний зўравонликка дучор бўлган хотин-қизлар кўчилигининг номусига ўз эрлари теккан. Сизнинг эрга текканлигингиз эрингизга сиздан иродангизга қарши фаҳш билан шуғулланишни талаб қилиш хуқуқини бермайди.

Уйдаги зўравонликка қарши курашиш бўйича миллий қонунчилик

Биз замонавий ривожланган жамиятда яшаётганимизга қарамасдан, Ўзбекистон Республикасида оиласда майший зўравонлик ҳолатлари учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг қадр-қиммати даҳлсизлигини, ҳар ким ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш хуқуқини белгилаб қўйган²⁵.

Жиноят кодекси моддаларига мувофиқ, майший зўравонлиқда айбор шахслар маъмурий жавобгарликка, улар ҳатти-ҳаракатларида жиноий хуқуқбузарликлар мавжуд бўлганида жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Майший зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятининг хуқуқий асосини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси²⁶ ва Хотин-қизлар хуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция²⁷, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси²⁸, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасин Кодекси²⁹, “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасин Қонуни³⁰, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Келинг, 2019 йил 2 сентябрдаги, 35-моддадан иборат “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасин Қонунига батафсил тўхталайлик.

Бевосита ана шу қонун юқорида баён қилинган ҳозирги вазиятни қайсиdir даражада ўзгартиришга даъват қилинган. У хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли органларни белгилаб беради.

²⁴ Муфассалрок қаранг: <https://ru.qwe.wiki/wiki/Marital rape>, <https://www.svoboda.org/a/258893.html>, <https://blog.liga.net/user/spriymak/article/15272>

²⁵ <https://lex.uz/docs/35869>

²⁶ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

²⁷ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml

²⁸ <https://lex.uz/docs/111457>

²⁹ <https://lex.uz/docs/97661>

³⁰ <https://www.lex.uz/docs/4494712>

Хужжат руҳий ва иқтисодий зўравонлик ҳамда тазиқлар учун масъулиятни қонунчилик йўли билан тартибга солиш имконини беради. Ахир кўпинча жабр кўрган томон тажовузкордан моддий ёки бошқа тобеликда бўлади, зўравонликнинг ўзи эса мунтазамлик хусусиятини олади.

Қонун хотин-қизларни тазиқлар ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини қонунчилик орқали тартибга солишнинг кескин заруратидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган эди. Хужжат, шунингдек давлат идоралари учун объектив статистикани олиб бориш учун шарт-шароит яратади. Бу муаммони тўлалигича тасаввур этиш, хотин-қизларга нисбатан тазиқлар ва зўравонликни таҳлил этиш, уларнинг олдини олиш самарали стратегиясини ишлаб чиқиши, шунингдек ушбу йўналишда профилактикани амалга ошириш имконини беради.

Қонун “йудаги зўравонлик” тушунчаси доирасидан ташқарига чиқади ва хотин-қизларни турмушда, иш жойида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда тазиқлар ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш муносабатларини тартибга солади.

Қонун қоидаларининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши жамиятда хотин-қизларни тазиқлар ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик муҳитини қарор топтиришга ёрдам беради.

Келинг, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс³¹ 52-моддасида кўзда тутилган, хотин-қизлар, болалар, эр-хотинларга нисбатан енгил тан жароҳати етказишга доир 2017 йилдан 2019 йилгача бўлган статистика маълумотларини кўриб чиқайлик.

Жумладан, 2017 йил давомида республикада ҳукуқбузарликларнинг ушбу тури бўйича умуман 29.044 шахсга нисбатан 17.549 иш кўриб чиқилган, улардан жабрдийда бўлганларнинг 244 таси вояга етмаган болалар, 6.162 таси хотин-қиз ва 2.528 таси эр-хотиндир. Ишлар умумий сонининг 13.792 таси огоҳлантириш билан чекланганлиги сабабли айбор шахсларга нисбатан тўхтатилган.

2018 йил давомида республикада ҳукуқбузарликнинг ушбу тури бўйича умуман 42.854 шахсга нисбатан 30.676 иш кўриб чиқилган, улардан жабрдийда бўлганларнинг 812 таси вояга етмаган болалар, 9.731 таси хотин-қиз ва 4.272 таси эр-хотиндир (хотин-қиз). Ишлар умумий сонининг 19.360 таси огоҳлантириш билан чекланганлиги сабабли айбор шахсларга нисбатан иш тўхтатилган.

2019 йил давомида республикада ҳукуқбузарликнинг ушбу тури бўйича умуман 38.533 шахсга нисбатан 27.817 та иш кўриб чиқилган, улардан жабрдийда бўлганларнинг 1.114 таси вояга етмаган болалар, 13.498 таси хотин-қиз ва 4.411 таси эр-хотиндир (хотин-қиз). Ишлар умумий сонининг 16.822 таси огоҳлантириш билан чекланганлиги сабабли айбор шахсларга нисбатан иш тўхтатилган.

³¹ <https://lex.uz/docs/97661>

Бу масалада шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузврлик ишларининг тўхтатилишига кўпчилик ҳолатларда томонларнинг ярашуви асос бўлган.

Шунингдек, фуқаролик судларида ажрашишга тааллуқли ишларни кўриб чиқиш амалиётида бунинг сабаби у ёки бу даражада уйдаги зўравонлик аломатлари бўлган.

Жумладан, 2018 йил давомида республиканинг фуқаролик судлари томонидан 22.366 та иш (ажралиш жараёнлари) кўриб чиқилган, бу 100% ни ташкил этади. Уларнинг 5,2% га “аҳлоқий, психологик ва руҳий мезонлар бўйича никоҳ тузишга тайёр эмаслик”, 2,6% га “эр-хотиндан бирининг спиртли ичимликларни ичиши”, 0,1% га “эр-хотиндан бирининг наркотик моддаларни истеъмол қилиши”, 0,2% га “жисмоний мезонлар бўйича никоҳ тузишга тайёр эмаслик”, 0,2% га “ижтимоий ёки хорижий маданиятнинг салбий таъсири”, 3,9% га “ҳиёнат қилиш”, 60,75 га “характерларининг бир-бирига мос эмаслиги”, 11,9 % га “бошқа” нарсалар” сабаб бўлган.

2019 йил давомида республиканинг фуқаролик судлари томонидан 22.017 та иш (ажралиш жараёнлари) кўриб чиқилган, бу 100% ни ташкил этади. Уларнинг 4,6% га “аҳлоқий, психологик ва руҳий мезонлар бўйича никоҳ тузишга тайёр эмаслик”, 2,8% га “эр-хотиндан бирининг спиртли ичимликларни ичиши”, 0,1% га “эр-хотиндан бирининг наркотик моддаларни истеъмол қилиши”, 0,1% га “жисмоний мезонлар бўйича никоҳ тузишга тайёр эмаслик”, 0,6% га “ижтимоий ёки хорижий маданиятнинг салбий таъсири”, 5,1% га “ҳиёнат қилиш”, 64,6% га “характерларининг бир-бирига мос эмаслиги”, 7,9 % га “бошқа” нарсалар” сабаб бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, ажралиш пайтида кўпгина ҳолатларда ажралишнинг ҳақиқий сабабини айтишмайди, фақат характерлари тўғри келмаганлигини ёки бошқа сабабларни кўрсатадилар.

Марказий Осиёдаги қўшниларимизнинг тажрибасини кўриб чиқамиз

Ҳамма жойда бўлганидек, Қозогистонда ҳам уйдаги зўравонликнинг мисли кўрилмаган ортиши рўй бермоқда³². Бугунги кунда ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг аксарият қисми - эрлар ва шериклар томонидан даҳшатли хўрланиши жабрдийдаларидир. Лекин Қозогистонда уйдаги зўравонлик жиноят ҳисобланмайди.

Карантин пайтида Қозогистонда уйдаги зўравонлик билан боғлиқ вазият аборглашди. ОЮЛ “Инқироз марказлари иттифоқи” бошқаруви раиси Зулфия Байсакованинг маълумотларига кўра, 150 рақамли шошилинч тармоққа:

- февраль ойида 150;
- март ойида 200;
- апрель ойининг биринчи ярмида 300 тадан кўпроқ қўнгироқ қилинди.

Зульфия Байсакованинг фикрича, оиласвий муносабатларга мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият таъсир қилмоқда. Одамлар

³² • <https://news.un.org/ru/interview/2020/05/1377672>

карантин талабларига күра уйда яккаланган, улар ҳиссиётларини ифода этиша олмайды, күпчилик ғазабини жиловлай қолмаган. Бунинг устига пандемия кучайган, одамлар касаллик юқишидан қўрқишади.

“Карантин пайтида күпчилик ичкилиkbозликка берилди, турли одамларга спиртли ичимликларнинг таъсири эса турлича бўлади. Баъзилар тажовузкорликни намойиш эта бошлади. Авваллари, оиласи жанжал бошланганида хотин-қизлар қариндошлариникига ёки бошқа шаҳарга кета оларди. Ҳозир бунинг имконияти йўқ. Кеча Нур-Султондан бир аёл қўнғироқ қилди. У қўчада қолган. Эри уни уйдан ҳайдаб чиқарган”, - ҳикоя қилади Зульфия Байсакова³³.

Зўравонлик хотин-қизларни жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш имкониятидан маҳрум этади ҳамда хотин-қизларнинг оиласи, ҳамжамият ва мамлакатга узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатади. Гендер майший зўравонлигининг юқори даражаси, шунингдек анъанавий патриархал меъёрлар ва турмуш тарзи Қозоғистонда гендер тенглигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

“БМТ-хотин-қизлар” тузилмаси Қозоғистон ҳукумати билан биргалиқда аёллар ва қизларга нисбатан камситиш ва зўравонликка барҳам этишга йўналтирилган қатор ташабbusларни амалга ошироқда. Бу тадбирлар орасида, масалан Қозоғистонда гендер зўравонлиги тўғрисида расмий манбалардан олинадиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш ҳам бор. Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги ишонарли ва далиллар билан тасдиқланган маълумотлар самарали аниқ мақсадга йўналтирилган ва гендер жиҳатларини ҳисобга оладиган сиёsatни ишлаб чиқиши учун ниҳоятда муҳимдир. Бу Қозоғистон ҳукуматига халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган меъёрлар ва стандартларни амалга оширишга ёрдам беради³⁴.

Қирғизистонда уйдаги зўравонликка қарши қонун – собиқ иттифоқ ҳудудида энг илғорлардан биридир. Ҳукуқ-тартиборт органларига зўравонлик тўғрисида факат жабрдийдагина эмас, балки гувоҳлар ҳам хабар бериши, милиционерлар эса, масалан, эрга хотинига яқинлашишни ман этиши мумкин. Бироқ амалиётда қонун деярли амал қилмайди ва кўплаб тажовукорлар жавобгарликдан қутилиб қолмоқдалар.

Жумладан, Covid-19 вазиятида ва кўпчилик уйда бўлишларига тўғри келаётган шароитда эр-хотин ўртасида жанжал чиқмоқда. Бунинг оқибатида эр-хотиндан бири ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қилади. Бу органлар ходимлари эса, ўз навбатида кўп ҳолатларда ўша жойга борганларида мазкур ҳодиса “оддий майший жанжал” деган хulosага келади. Аммо зўравонлик ҳолати аниқланганида ходимлар аризани қабул қилиб оладилар ва уч кунга муҳофаза ҳужжатини – тажовузкорга жабрдийда билан бирор алоқада бўлиш ман этилган қарорни расмийлаштирадилар.

³³ <https://informburo.kz/stati/v-kazahstane-v-splesk-bytovogo-nasiliya-vo-vremya-karantina-kuda-zhalovatsya-na-semeynogo-deboshiba.html>

³⁴<https://eca.unwomen.org/ru/where-we-are/kazakhstan/ending-violence-against-women>

Ушбу чора уч йил аввал, уйдаги зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги янги қонун қабул қилингандан кейин жорий этилган эди. Агар авваллари хукуқ-тартибот органлари жабрдийданинг ўзи жабр қилганга қарши ариза бергандагина уни ҳимоя қила олишган бўлса, эндиликда улар зўравонлик тўғрисида гувоҳ ёки тиббиёт ходими гапириб берганида ҳам жазо чораларини кўришлари мумкин.

Лекин қонун амал қилаётган давр мобайнида муаммони ҳал этиб бўлмади: хукуқ ҳимоячиларининг маълум қилишларича, хотин-қизларнинг аксарияти аввалгидек милицияга мурожаат қилмайди, қўпчилик эса ёрдам олишлари мумкинлигини ҳам билмайди. Миллий статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, бевосита хотин-қизлар кўпинча ўз эрлари ва қариндошларидан жабр қўрмоқдалар: 2018 йилда Қирғизистонда қариндошлар ёки шериклар айби билан 62 хотин-қиз ҳалок бўлди³⁵.

Коронавирус вазиятни мураккаблаштириди: карантин жорий этилиши оқибатида кўпгина хотин-қизлар тажовузкор қариндошлари билан бир бинода қамалиб қолди, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, факат Бишкеқда уч ой ичида уйдаги зўравонлик юзасидан тушган аризалар сони ўтган йилга нисбатан 62% га кўпайди. Инқироз марказлари масофада туриб ишлашга мажбурлар, шунинг учун улар жабрдийдаларга факат телефон орқали маслаҳат бера оладилар – маҳсус рухсатномасиз улар ёрдам бериш учун бора олмайдилар.

“Карантин ва фавқулодда ҳолат факат мамлакатда оила институти “касали”ни кучайтириди” – деб таъкидлайди уйдаги зўравонлик тўғрисидаги қонун муаллифларидан бири Наталья Никитенко³⁶.

Бироқ қонун тўла куч билан ишлаши учун, жамиятнинг ўзи томонидан уйдаги зўравонлик идрок этилишини ўзгартириш керак. Бунинг учун, энг аввало, сиёсий ирода ва бюджет маблағлари талаб этилади.

Қирғизистоннинг “БМТ-Аёллар” ваколатхонаси ҳисоблаб чиқишича, қонунни амалга ошириш учун йилига 25 млн.сом (300 минг доллардан кўпроқ) талаб қилинади - ушбу маблағ уйдаги зўравонлиқдан жабрланганларга инқироз марказларида ёрдам кўрсатиш, шунингдек зўравонлик айборларини тузатиш дастурлари учун ишлатилади.

Аммо 2018 йилда бу мақсадларга факат 50 минг доллар ажратилди, кейинги уч йил бюджетида эса гендер зўравонлигининг олдини олиш харажатлари учун бирорта маҳсус модда мавжуд эмас. Бироз маблағ факат инқироз марказларини ривожлантириш учун ажратилган. Бутун мамлакатда 16 та инқироз марказлари ишлаб турибди, лекин уларнинг факат бештасида бошпана бор, шунинг учун уларда кўпинчча жой етишмайди.

Коронавирус пандемиясидан кейин муқаррар равишда содир бўладиган иқтисодий пасайиш уйдаги зўравонликнинг олдини олиш харажатлари миқдорини ошириш имкониятини янада камайтиради.

³⁵ <http://ngokg.com/npo-zenskaya-demokraticeskaya-set/>

³⁶ <http://www.ca-portal.ru/article:57260>

Шу тарзда қонунчилик механизмларининг мавжудлигига қарамасдан, амалда аёлнинг тажовузкор эрга қарши кураши барбодликка маҳкум, чунки тизим унинг эҳтиёжларига мўлжалланмаган, дейди Марголиц.

Қирғизистонда уйдаги зўравонлик қонун томонидан 17 йилдан буён жазоланиб келинмоқда, аммо авваллари милиционерлар жабдийдалар кейин уларни қайтариб олишлари сабабли аризаларини кўпинча олишмасди. Янги қонун милиционерлар зиммасига уйдаги зўравонлик тўғрисидаги барча хабарларни жиноятларнинг ягона рўйхатида қайд этиш мажбуриятини юклиди – бу мамлакат бўйича статистикани сифат жиҳатдан ўзгартирди. Янги қонун кучга кирган пайтдан кейин рўйхатга олинган уйдаги зўравонлик сони кескин ортди - 2019 йилда уларнинг сони 2015 йилдагига қараганда тўрт баравар кўп бўлди.

Экспертларнинг ҳисоблашича, қонуннинг яна бир салбий хусусияти шундан иборатки, тажовузкорга қарши иш очиш учун жабр кўрган ариза берганидан кейин суд-тиббий экспертизасидан ўтиши ва танасидаги жароҳатларни тасдиқлаши кераклигидир.

“Кўпинча гап руҳий ёки жисмоний жароҳатланган хотин-қизлар тўғрисида кетади, улар ҳатто юришлари ҳам қийин бўлади. Шунинг учун улар экспертизадан ўтишга боришмайди ёки жароҳат излари яхши сезилмай қоладиган пайтда – кечикиб боришади”, - ҳикоя қиласи Марголиц³⁷.

Республиканинг жанубидаги Ўш консерватив шахрида яшайдиган, кўпинча ажralишни ва “уйдаги гапни кўчага олиб чиқишни” хоҳламайдиган зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар экспертизадан ўтишдан воз кечишади, чунки бундай қилиш қабул этилмаган.

“Ўшда ҳамма маҳаллада - бир-бири билан муомалада бўладиган ва бир-бири билан дўст мавзеда яшашади. Агар оилада ажрашган аёл бўлса, бу фақат оила қурмаган опа-сингилларигагина эмас, шунингдек аммавачча ва холаваччаларининг ҳам турмушга чиқишлирига ҳалақит қиласи”, - дейди адвокат М.Абдураупова.

Тадқиқотчилар жабрланганлар билан суҳбатлашиб, фақат кўпинча қонуний ҳимоячилари ёки адвокатлари бўлган аёллар эрларига нисбатан жиноий ишни давом эттиришларини аниқладилар. Қолганлар ижтимоий босимга бўйсуниб, аризаларини қайтариб оладилар. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, барча дастлабки ишларнинг 86% судгача ёпилади Агар иш охиригача етказилган тақдирда ҳам айбланувчи, одатда, жарима тўлаш билан чекланиб қолади.

Оилани қандай бўлмасин сақлаб қолишга ишонч бугунги кунда кўпгина аёла биринчи марта ажralишга ҳалақит беради. Чунки кўпчилик ҳолатларда эркаклар (эрлар) хотинининг ота-онаси уйига ҳар кун келиб, кечирим сўрай ва қилмишига пушаймон бўла бошлашади .

Ҳуқуқ-тартибот органларида эркакни қаергадир бадарға қилиш ваколати йўқ. Аёлнинг ўзига ҳам борадиган жойи бўлмайди, шунинг учун амалда

³⁷ <https://www.bbc.com/russian/features-52733129>

муҳофаза қилиш ордерининг берилиши милиционернинг шунчаки эркакни жабрланганни калтаклашга ҳуқуқи йўқлиги ҳақида огоҳлантириш билан чегараланади.

Коронавирус пандемияси пайтида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ вазиятнинг кескин абгорлашиши депутатларни қонунчиликка агар тажовузкор маст ҳолда бўлса ёки ҳуқуқ-тқртибот органлари ходимларида жабрдийдага ҳозир ёки келажақда хавф таҳди迪 бўлса, уни 48 соатга ушлаш имкони берадиган ўзгартиришларни бирданига уч ўқишида қабул қилишларига туртки бўлди.

Ҳатто жисмоний зўравонликка муҳофаза ордери билан барҳам беришга эришилса ҳам, руҳий зўравонлик устидан ғалаба қозониш мураккаброқдир.

Арманистонда Миллий кенгаш қизғин баҳслар ва жамият консерватив қисмининг ашаддий қаршиликлари вазиятида оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

“Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, оиладаги зўравонликка дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилиш ва оилада иноқликни тиклаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ва якуний ўқишида депутатлардан 75 нафарининг қўллаши ва 12 депутатнинг қарши овоз бериши билан қабул қилинди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Арманистонда оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунни қабул қилишни бир неча йилдан бери талаб этишарди, бироқ аввалги йилларда бу уринишлар зое кетганди.

Аммо бир неча ой илгари жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган ташаббуснинг муҳолифатчилари анчагина эканлиги маълум бўлди, улар қонун лойиҳаси тарафдорларини арман оиласини ва анъаналарини барбод қилишда айблашди.

“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши иттифоқ” бирлашмасининг маълумотларига кўра, 2010 йилдан буён Арманистонда камида 50 та хотин-қиз уйдаги зўравонлик оқибатида ҳалок бўлган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (EXXT) 2011 йилдаги тадқиқотларига мувофиқ, Арманистонда 60% хотин-қиз уйдаги зўравонликнинг битта ёки бир нечта кўринишининг жабрдийдаси бўлган.

Арманистон Тергов қўмитасининг маълумотларига кўра, Арманистонда 2017 йилнинг биринчи ярмида уйдаги зўравонлик билан боғлиқ 215 та жиноий иш тергов қилинган.

Уларнинг кўпчилиги – 127 та ҳолат калтаклашга, 11 таси - 16 ёшга тўлмаган шахслар томонидан шаҳвоний хусусиятга эга қилмишларга, 6 таси - соғлиққа қасдан оғир жароҳат етказишга тааллукли бўлган, бешта ҳолатда қотиллик тўғрисида гап борган.

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг сўзларига қараганда, расмий статистика музтоғнинг тепа қисми бўлиши мумкин, чунки кўпинча арман оилаларида зўравонлик содир этилганлигини бу ҳодиса жиноятлар тўғрисидаги хабарлар эълон қилингандан кейин хабардор бўладилар.

Қонун лойиҳасининг муаллифлари бу ҳужжат фақат оиладаги зўравонликка барҳам берибгина қолмасдан, шунингдек жабрдийдаларни

бундай ҳолатлар түгрисида күпроқ маълум қилишга ундашига умид қилмоқдалар.

Хозир уйдаги зўравонлик ҳолатларида фақат жиноий таъқиб қилиш ва жазолар қўлланилади, кўпгина жабрдийдалар эса тажовузкорни турмага жўнатишни хоҳламасдан ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишмайди, дейди қонун лойиҳаси муаллифларидан бири – Адлия вазирининг ўринbosари Виген Кочарян.

“Фақат жиноий таъқиб қилиш воситасининг бўлишигина жиноятчилик бу турининг сиртдан кўринмаслигини ошкор қилишга ёрдам беради, - дейди Кочарян. - Лекин ҳатто жиноий иш қўзғатилса ҳам, қамоққа олиш тарзида чек қўйиш чораси қўлланилмаса, янада абор ахволда қоладиган жабрдийдани бу ҳечам ҳимоя қила олмайди. Демак, ушбу қонун лойиҳасида кўзда тутилган бошқа воситаларни ишга солиш керак бўлади”.

Унинг сўзларига қараганда, янги қонун кучга кирганидан кейин ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари жабрдийданинг ҳаёти ва соғлигига таҳдид соладиган оиласдаги зўравонлик такрорланишининг хавфи ҳолатларида жойида “кечиктириб бўлмайдиган қарор” қабул қила оладилар.

Бундай қарорларни фақат полициянинг ихтисослашган бўлинмалари ходимлари қабул қиладиган бўлади, таъкидлайди у.

“Қарор бирданига бир неча чорани кўзда тутиши мумкин, Масалан, оиласда зўравонлик содир этган шахсга жабрдийда турар жойини тарқ этиш ва йигирма кунгача муддатда бу ерга қайтиб келмаслик , уйдаги зўравонлик жабрдийдаси билан алоқада бўлмаслик ёки унга муайян масофада яқинлашмаслик кўрсатмаси берилиши мумкин”, - дейди Кочерян Би-би-сига.

Унинг сўзларига қараганда, йигирма кунни – бундай қарор амал қилишининг энг кўп муддатини ҳудди шундай чоралар, лекин муддатни узайтириш имконияти билан муҳофаза ордери кўзда тутади, уни суд жабрдийданинг аризаси асосида тақдим этади.

Ноҳукумат ташкилотларининг жабрдийдалар учун мавжуд бошпаналари давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда фаолиятини давом эттиради, дейди Кочерян. Аммо қонун лойиҳаси, шунингдек зарурат бўлганида давлат томонидан оиласдаги зўравонлик жабрдийдалари учун бошпаналар очишни кўзда тутади.

Оиласдаги зўравонлик тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиши 2014 йилда ёк Арманистон ҳукумати томонидан тасдиқланган инсон ҳуқуqlари соҳасида ҳаракатлар режасида кўзда тутилган эди.

Бироқ қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиниши Арманистондаги ҳиссиётларни ўт олдириб, жамиятни икки гурухга бўлиб юборди.

Қонун лойиҳасининг тарафдорлари хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг фожиали ва шов-шувли ҳолатлари вазиятида шундай қонуннинг қабул қилиш зарурати ҳақида гапирадилар.

Қонун лойиҳасининг муҳолифатчилари бу ҳужжат Арманистонга Фарб томонидан тиқиширилган ва арман оиласларига таҳдид солади дейишиди.

Айримлар бу қонун болаларни оиладан тортиб олишга сабаб бўлиши мумкинлигини тасдиқлашарди.

Қонун лойиҳаси қабул қилинишининг энг ашаддий муҳолифатчиларидан бири, Ереван геосиёсат клубининг бошлиғи Арман Башян қонун лойиҳасини “шантаж воситаси” деб атади. У ана шу хужжат қабул қилинишини тезлаштириш ортида Сорос жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган ташкилотлар турганлигини уқтиради.

Арманистон “Sputnik”ига кўра, у жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳасини “Қонун лойиҳаси қабул қилинадиган бўлса, фуқаролик уруши бошланиши муқаррар” деган тарзда шарҳлаган.

Қонун лойиҳасига айрим ҳукуқшуносларда, шу жумладар Адвокатлар палатаси вакилларида ҳам саволлар бор эди. Улар полициячилар эга бўладиган қўшимча ваколатлар суистеъмолликка ва оиланинг шахсий ҳудудига бостириб киришга олиб келиши мумкинлигидан хавфсираёганликларини билдирадилар.

“Муайян даражада биз буни [шундай муносабатни] кутгандик, аммо бу даражадаги ёлғон-яшиқни, нотўғри шарҳларни, баъзан масалани бемаъни қўйилишини кутмаган эдик. Бу фикрларнинг қонун лойиҳасининг мазмунинга бирор алоқаси йўқ эди”, - дейди Коцирян қонун лойиҳаси жўшқин баҳсларга сабаб бўлганлигини шарҳлар экан.

Унинг гапларига қараганда, муҳолифатчиларнинг бундай қонунни қабул қилишдан мақсади – болаларни оиладан тортиб олиш тўғрисидаги баёнотлари ҳеч бир асосга эга эмасди, чунки қонун лойиҳасида бу масалада умуман янги тартиблар кўзда тутилмаганди.

“Қонунчилик лойиҳасида ота-оналарнинг ҳукуқларидан маҳрум этилиши тўғрисида ҳеч қандай гап бормайди. Масалан, ўша бошпанага бола онаси ёки отаси, яъни қонуний вакили билангина бориши мумкин. Ушбу қонунда фақат болаларга тааллуқли алоҳида тартиб-қоидалар йўқ”-, дейди у.

Қонун лойиҳасининг муаллифлари, шунингдек муҳолифатчиларнинг Арманистонда қонун Ғарбнинг босими остида қабул қилинаётганлиги тўғрисидаги даъволарини ҳам рад этдилар.

Жўшқин жамоатчилик баҳс-мунозараларидан кейин ҳукумат баҳсли қонун лойиҳасини маъқуллади, бироқ унга ўзгартиришлар киритилди, қонун лойиҳасининг номланишида “оилада иноқликни тиклаш тўғрисида”ги ибора пайдо бўлди.

Бу ўзгаришлар эндилиқда хотин-қизларни ҳимоя қилиш бўйича ташкилотларда эътиrozларни пайдо қилди. Улар оиладаги зўравонлик тўғрисида қонун қабул қилишга ҳаракат қилаётган эдилар.

“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши иттифоқ” ҳукуқни ҳимоя қилиш бирлашган ташкилотлари ўзгартиришлар қонун лойиҳасининг даставалги моҳиятини нотўғри талқин қиласди ва унинг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради, деб баёнот берди.

Ҳукуқ ҳимоячиси ва “Иттифоқ” вакили Зарун Ованнисяннинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши – уйдаги зўравонликка қарши курашда муҳим қадамдир.

Бироқ ушбу қонун давлат уйдаги зўравонлик жабрдийдаси бўлган ҳар бир кимсани ҳимоя қиласи деган равshan маънени бериши керак эди. Ҳукуқ ҳимоячиларининг фикрича, қонун ўзгарилиганидан кейин ҳукукий бўлмаган ифодаларга урғу берилган.

“Оилада инокликни тиклаш” – фикримизча, жуда субъектив қабул қилинадиган ифода бўлиб, унинг ҳукукий асосини топиб бўлмайди ва принцип жиҳатидан иноклик орқали уйдаги зўравонликнинг олдини олишнинг иложи йўқ”, -дейди у.

Ованнисяннинг айтишича, қонун лойиҳасида мустаҳкамлаш тўғрисида гап кетган “анъанавий қадриятлар” ҳукукий ҳужжатларда мавжуд эмас. Қонунни қўллашда ушбу атама кенг талқин этилиши ва куч ишлатишни оқлаш учун қўлланилиши мумкин, дейди у.

“Уйдаги зўравонлик” атамасининг “оиладаги зўравонлик”-ка алмаштирилиши ҳам ҳукуқ ҳимоячиларининг норозилигини уйғотган.

“Уйдаги зўравонлик” халқаро ҳукукий ҳужжатларда қўлланилади, бизнинг қонунимизда эса “уидаги зўравонлик” “оиладаги зўравонлик”-ка алмаштирилган. Бу уни кенг талқин этганда ҳам уйдаги зўравонлик халқаро ҳукукий мазмунини ифода эта олмайди”, -дейди у.

Бироқ Кочаряннинг айтишича, қонун лойиҳасида ишлатилган “оиладаги зўравонлик” ифодаси халқаро ҳужжатларда қўлланиладиган “уидаги зўравонлик” атамасига тўла мутаносибдир.

Қонун лойиҳасининг сарлавҳасидаги оилада инокликни тиклаш тўғрисидаги қўшимчага келганда, унинг айтишича, бу ўзгариши фақат моҳиятни аникроқ ифодалайди, холос.

Қонун лойиҳаси яраштириш тартибини кўзда тутади, бу жабрдийданинг розилиги бўлиши шарти билан ва ижтимоий хизматларнинг назорати остида амал этади, таъкидлайди у.

“Ушбу қўшимча мазкур қонуннинг мазмунини тўлароқ акс эттириш мақсадини кўзлади. Чунки ушбу қонун ўз моҳиятига кўра фақат жазолаш хусусиятига эга эмас... У баб-бараварига ҳам зўравонлик жабрдийдаси, ҳам тажовузкорга ижтимоий, руҳий, ҳукукий ёрдамни кўзда тутади. Номланишнинг ўзгариши бунгача ҳам қонун лойиҳасида мавжуд бўлган унсурларни акс эттиради”, - дейди у.

Келинг, хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқайлик

Судья гендер жиҳатини ҳисобга оладиган ёндашувни қўллашни таъминлаш учун турли чораларни кўриши мумкин.

- Ҳимоя буйруғини бериш. Судья учун ҳимоя буйруғини бериш тўғрисидаги тинглашларга тегишли тус бериш ва давлат уйдаги зўравонлик ҳолатларига зарур даражада эътибор қаратётганини намойиш қилиш учун муҳим биринчи имконият ҳисобланади.

- Масалан, агар иш шаҳвоний зўравонликка, ёпиқ мажлисларни ўтказиш ва маҳфийликни сақлаш талабларига тааллуқли бўлса, жабрдийдалар/гувоҳлар

хуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда такрорий виктимизацияга йўл қўймаслик кафолатларини таъминлаш учун жиноий жараённинг дастлабки босқичларида дискрецион³⁸ ваколатлардан фойдаланиш. Истамбул протоколи аниқ равишда терговнинг барча босқичларида жабрдийдалар/гувоҳлар хуқуқлари, манфаатлари ва алоҳида эҳтиёжларини таъминлашни (56-модда), шу жумладан жабрдийдани зўравонлик ҳаракатини содир этган шахс билан боғлиқ бўлиши мумкин хавф, жабрдийданинг хуқуқлари ва мавжуд хизматлар тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек жабрдийда билан жавобгар ўртасида алоқа бўлишининг олдини олиш чораларини кўришни талаб этади.

- Фуқаролик ишларида хушёрлик кўрсатиш. Судъялар ишни муросага келтириш билан ҳал қилиш мақбуллиги тўғрисидаги масалани қўриб чиқишилари керак ва аёлга муросага келишга эришиш мақсадида босим ўтказилмаслигини диққат билан кузатишлари керак.

- Текшириш ва далилларни тўплаш (айниқса суд-тиббий экспертизаси маълумотларини тўплаш ва текширишга нисбатан) босқичларида ҳар қандай ушланиб қолишга йўл қўймаслик, бу суд таъқиби ва қарор чиқаришни таҳдид остига қўйиши мумкин. Хотин-қизларга нисбатан ҳолатларда умум қабул қилинган мақбул амалиёт - ишни тезлаштиришни қўллашдир (масалан, устуворлик принципини ҳисобга олиш ва ихтисослашган судлардан фойдаланиш). Қатор мамлакатлада қабул қилинган мақбул амалиёт тергов ваколатларини тенгликни таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга ва квазисуд³⁹ органларига тақдим этишдир.

- Фуқаролик ишларида хушёрлик кўрсатиш. Судъялар ишни муросага келтириш билан ҳал қилиш мақбуллиги тўғрисидаги масалани қўриб чиқишилари керак ва аёлга муросага келишга эришиш мақсадида босим ўтказилмаслигини диққат билан кузатиши керак.

- Текшириш ва далилларни тўплаш (айниқса суд-тиббий экспертизаси маълумотларини тўплаш ва текширишга нисбатан) босқичларида ҳар қандай ушланиб қолишга йўл қўймаслик керак, бу суд таъқиби ва қарор чиқаришни таҳдид остига қўйиши мумкин. Хотин-қизларга нисбатан ҳолатларда умум қабул қилинган мақбул амалиёт - ишни тезлаштиришни қўллашдир (масалан, устуворлик принципини ҳисобга олиш ва ихтисослашган судлардан фойдаланиш). Қатор мамлакатлада қабул қилинган мақбул амалиёт - тергов ваколатларини тенгликни таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга ва увазисуд органларига тақдим этишдир.

- Агар жабрдийда ёки гувоҳ судда қарама-қарши кўрсаткичлар бераётган бўлса, судъя кўрсаткичлар ўзгартирилиши сабабини аниқлаш учун (масалан, жабрдийда ёки гувоҳ жавобгар томонидан босим/таҳдидларга дучор қилинаётган бўлса; бундай ҳолатда судъя, зарурат бўлса, жавобгарни суд

³⁸ Дискрецион (французча “discrétion” – “ихтиёрийлик”, “фармойиш”, “ирода,”) - маъмурий органнинг қонун хужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши

³⁹ Квазисуд – судлов хусусиятига зга бўлмаган ишларни (шикоятлар, даъволар ва хоказолар) кўриб чиқишига таалукли судлар. Уларнинг фаолияти асосан хукукни суистеъмол қилиш мавжудлиги ёки мажуд эмаслигини аниқлашга йўгалтирилган

залидан чиқариб юбориши мумкин) уни маҳфий тартибда сўроқ қилиши керак.

Мутахассислар учун дастурамал кўрсатмалар

Далиллаш саволлари

• Камситиш далилини аниқлаш. Гендер ёки жинсий белги бўйича камситиш тўғрисидаги ишларни кўриб ч қиши ва суд қарорини қабул қилишда муаммоли масалалардан бири - аниқ ҳаракатлар ёки қарорлар камситиш хусусиятига эгалигига далилларининг мавжуд бўлмаслигидир. Демак, далилларни кўриб чиқишида эътибор баҳслашилаётган қоидалар, сиёsat ёки амалиётни далиллаш учун улар аниқ шахслар гурухларига ҳудди шундай вазиятдаги шахсларга нисбатан номутаносиб нобоп эканлигига қаратилиши керак. Камситиш билан боғлик ишларда далиллашнинг оғир вазифаси масаласи ва жиноят аломатларидан далолат берадиган етарлича маълумотларнинг борлиги бир хил аҳамиятга эгадир. Далилларни тақдим этишда жабрдийданинг роли, шунингдек зарур далилларнинг аҳамиятлиги ва далиллашнинг оғир вазифаси жиноий, маъмурий ва фуқаролик ишларida бир-биридан фарқ қиласи. Текшириш ўтказиш ва камситиш далилини (шунигдек айбланувчидан камситиш ғаризи борлигини) аниқлаш – тегишли органларнинг вазифасидир. Айбиззлик презумпцияси ва эҳтимол тутилган жазонинг оғирлиги муносабати билан жиноий иш доирасида далиллашларга юқорироқ талаблар қўйилади. Далиллашнинг оғир вазифаси жавобгар томонига тааллуклидир. Жинс ёки гендер аломати бўйича камситишши билан боғлик жиноий ишлардан фарқли равишда фуқаролик ва маъмурий суриштирувларга фаолроқ роль белгиланган ва ҳар бир томон ўз далилларини тасдиқлайдиган иботларини тақдим этади. Европа Иттифоқи директивалари ва Европа судининг прецедент ҳукуқига асосланган Европа ҳукуқига биноан, далиллашнинг оғир вазифаси даъвогарга эмас, балки жавобгар зиммасига юкландади.

Илғор амалиёт

Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тенглик тўғрисидаги (*Loi fédérale sur l'égalité entre femmes et hommes*) Швейцария федерал қонуни қабул қилиниши сабабларидан бири Швейцария Конституциясининг камситишга қарши қоидаларини бажаришга кўмаклашиш, жумладан шу каби ишлар суд суриштирувининг тартибини аниқлаш эди. Қонун “далиллашнинг оғир вазифасини енгиллаштиришни” кўзда тутади: жавобгар алоҳида муомала камситиш билан боғлик эмаслигини далиллай олмаса, камситиш содир этилган деб ҳисобланади.

Швейцария ҳукуқига мувофиқ, хотин-қизларга меҳнат муносабатларига тааллукли одил судловдан фойдаланиш учун ўхшаш вазифани ва бир хил ишни бажараётган эркак хотин-қизларга нисбатан кўп кўп ҳақ олаётганлигини (масалан, хотин-қизлар меҳнатига бир хил аҳамиятга эга ишларни бажарганлик учун 15-25 фоиз кам ҳақ тўлаш) далиллаш кифоя қиласи. Бунда далиллаш оғир вазифаси эркак зиммасига юкландади. Иш берувчи тенгсизликни оқлайдиган объектив сабаблар мавжудлигини далиллаб бериши керак. Айни пайтда асослашнинг аҳамияти камситиш даражпасига мутаносиб

бўлиши керак. Далиллашнинг бундай қоидалари даъвогар зиммасидаги далиллашнинг оғир вазифасини, шунингдек далилларга қатъий талаблар кўймаган ҳолда камситиш мажудлиги тўғрисида қарор чиқариш хуқуқига эга судьянинг ишини егиллаштиради. Бундай ёндашувнинг мақсади меҳнат соҳасидаги камситиш муаммосини тан олишdir. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатлар ёки умумий ахборот каби далиллашнинг типик шакллари камситиш даъволари учун долзарбdir. Лекин амалиётчи хуқуқшунослар камситиш тўғрисидаги даъволарни тасдиқлашда фойдаланилиши мумкин бўлган далиллашнинг статистика маълумотлари, вазият тести натижалари, сўров вараклари, аудио- ва видеоёзувлари, суд экспертизасининг ҳамда билвосита далилларга асосланган хулосалари ва далиллашнинг бошқа турлари билан таништирилишлари керак. Кўп ҳолларда бевосита камситиш далилларининг бўлмаслиги айблов тақдим этишни рад қилиш ва ишни ёпиш учун асос сифатида фойдаланилади. Бу масала Истамбул протоколида кўриб чиқилган. Унда шундай дейилади: Конвенция томонлари “агар жабрдийда ўз аризаси ёки шикоятини қайтариб олган ҳолатда ҳам иш давом эттирилиши учун [...] хуқуқбузарликка нисбатан суриштирув ёки суд таъқиби [...] жабрдийда томонидан берилган ариза ёки шикоятга тўла боғлиқ бўлмаслигини таъминлашлари керак” (55-модда).

• Жиноий таъқибни жабрдийда манфаттига йўналтирилган ёндашувни кўллаган ҳолда амалга ошириш. Прокурорлар жабрдийда тўғрисидаги тахминлардан ўзини тийиб туриши ва зўравонлик қилмиши тўғрисидаги кўрсатмалар жабрдийдаларга турлича таъсир қилишини ёдда тутиши керак. Бу айримларга куч-куват бағишлиб, покланишни ҳис эттирса, бошқалар бундан иккинчи бор жароҳатланади.

• Учинчи шахслар кўрсатмалари ва қўшимча далиллардан фойдаланиш. Учинчи шахсларнинг кўрсатмалари - жабрдийда томонидан тақдим этилмаган, жабрдийда аризасини тасдиқлайдиган далиллардир. Қўшимча далиллар мутахассислар учун дастурамал кўрсатма бўлиб, полиция ёки прокурор томонидан жабрдийдадан суддан аввалги иш кўриш босқичида олинган кўрсатмалар бўлиб, судда эълон қилинади. Бунда жабрдийда судда шахсан ўзи кўрсатма беради. Далиллар бошқа турларидан фойдаланиш жабрдийдага ишонч йўқлигини англатмайди. Хотин-қизларга нисбатан зўравондик ҳолатларида фойдаланиладиган қўшимча далиллар ва учинчи шахсларнинг энг тарқалган турларига қуйидагилар тааллуқлидир: полиция ходимининг аризаси, қўшнилар ва бошқа гувоҳларнинг аризалари, шошилинч ёрдам хизмати / полиция навбатчи қисми чақируви ёзувлари, видеокузатув тизими ёзувлари, тана жароҳатларининг ва жиноят содир этилган жойнинг фотосуратлари, тиббий хариталар / ҳисоботлар, аввалги ҳодисаларнинг тарихи (масалан, жиноят содир этган шахснинг ўтмишдаги жиноятлари тарихи, аввалги таъкиқ / ҳимоя буйруқлари, маъмурий жарималар), жиноятчи томонидан жабрдийдага юборилган хабарлар, жиноятчининг салбий мавқеи, жумладан, жабрдийдага нисбатан зўравонлик оқибатларини, жабрдийданинг ўзини умумий тутиши ва реакциясини тушунтириш учун зарур бўлган экспертларнинг гувоҳликлари ёки кўрсатмалари.

• Жабрдийда билан ишлашда меҳрибонлик кўрсатиш. Жарбдийдага хавф туғилмаслиги учун унинг томонидан бўлажак суд жараёнида ва прокурорнинг ҳаракатларида ўзининг ролини тушунишини таъминлаш учун чора кўриш, агар гувоҳ судда кўрсатмалар бермайдиган бўлса, иш материалларида далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган жабрдийданинг аниқ ва кенг қамровли аризаси бўлишини таъминлаш ҳамда жабрдийдани ҳодисага доир бўлмаган ва такрорланадиган сўроқдан қутқариш. Судда далилларни, айниқса жабрдийдани ҳиссий жароҳат ва руҳий зарбадан қутқариши мумкин бўлганларини судда тақдим этишни синчилаб ўйлаб олиш, шунингдек хирали ва кўп маротабали сўроқларга йўл қўймаслик. Масалан, далил сифатида олдиндан ёзиб олинган кўрсатмалар ёки талабни тақдим этиш / видеоалоқа бўйича ёки видео кузатув тизими ёрдамида кўрсатмалар беришга нисбатан буйруқ чиқарилишига эришиш. Ҳимоя томонидан эҳтимол тутилган бичиб-тўқилган, саросимага соладиган ёки ҳақоратлайдиган тақдимотларга тайёр туриш керак. Истамбул протоколи тўғридан-тўғри иштирок этувчи давлатлардан ҳар қандай фуқаролик ёки жиноий ишлар жараёнида шаҳвоний муносабатлар тарихи, хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиш имконияти ва жабрдийданинг ўзини тутишига тааллуқли жиноят белгилари фақат “иш моҳитига тегишли ва зарур бўлса” руҳсат этилишини таъминлаш чораларини кўришлари талаб қиласди (54-модда).

• Гендер андозаларидан қочинг. Исботлаш ва тартиблар қоидалари ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, чунки уларнинг ёрдамида жабрдийдага ишончни барбод этадиган гендер андозалари мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. Қуйида гендер андозаларига асосланганлиги учун улардан ўзни четга олиш керак бўлган исботлашнинг уч қоидаси келтирилган.

Ходиса тўғрисида тезкор хабар бериш талаби: айрим мамлакатларда ҳодиса тўғрисида ариза беришни кечикириш жабрдийда кўрсатмаларининг тўғрилигига шубҳа билан қараш учун асос бўлади. Бундай турдаги далилларни таъминлаш талаби ҳуқуқ тизимида зўравонлик ҳодисаси тўғрисида тезкор маълум қиласиган шаҳвоний зўравонликнинг “ҳақиқий” ёки “идеал” жабрдийдаси андозасини мустаҳкамлайди.

Қўшимча далилларни тақдим этиш талаби фақат жабрдийда бир ўзининг кўрсатмаларига асосланган айлов ҳукми чиқаришни тақиқлайди ва жабрдийданинг кўрсатмаларини қўшимча далиллар билан мустаҳкамлашдан иборат ҳуқукий мажбуриятни ўрнатади. Бошқа зўравонлик жиноятларини кўриб чиқиша амал қиласиган исботлаш қоидалари билан тақбосланганида бу шаҳвоний зўравонлик жабрдийдасига юкланган исботлаш оғир вазифасини кўпайтиради.

Жабрдийданинг шаҳвоний тажрибасига асосланган жабрдийданинг кўрсатмалари ишонарлигига шубҳа иффатли, фазилатли ва номусли аёл кўпроқ ишончга сазовор деган андозани акс эттиради. Бу, мохият жиҳатидан, жабрдийдани судланаётганга тенглаштиришга олиб келади, чунки суд жараёнининг эътибори айбланувчининг эҳтимол тутилган ҳатти-ҳаракатига эмас, балки жабрдийданинг ўзини тутишига қаратилади.

Илгор тажриба

Номусга тегиши жабрдийдасини ҳимоя қилиш тұғрисидаги қонунлар суд иши мавзуси билан боғлиқ бўлмаган жабрдийданинг шаҳвоний тажрибаси, унинг ўзини тутиши ёки обрўси тұғрисидаги маълумотдан фойдаланишини тақиқлаш ёки чегаралашга мўлжалланган. Бу қонунлар шунга асосланганки, кўпинча далилларнинг ушбу кўринишлари жабрдийда кўрсатмаларининг ишонарлиги билан баҳслашиш учун ишлатилади, шунингдек унингшахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ҳуқукини бузиши мумкин. Номусга тегиши жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тұғрисидаги қонунлар Канада, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган.

Шаҳвоний зўравонлик тұғрисидаги ишларда фойдаланиладиган, исботлашда мураккаблик келтириб чиқарадиган нарса - бу куч ишлатиш ёки жисмоний курашиш излариdir. Исботлашга ушбу талаблар шаҳвоний зўравонлик фақат аёл бунга қаршилик кўрсатганидагина содир этилган деган хато ишонч билан боғлиқdir.

Ишни назарий ва ҳуқуқий асослаш

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тұғрисидаги ишга тайёргарлик давомида прокурорлар ишнинг моҳиятини ҳам жиноят сифатида, ҳам камситишнинг кўриниши сифатида ташкил этадиган назарий асослашни ишлаб чиқшлари керак. Прокурорлар зўравонликнинг ушбу кўриниши англанилиши ва унинг хусусиятини, масалан зўравонликнинг даврийлигини, шунингдек хотин-қизларга таъсирини кўрсатишлари ва исботлашлари зарур. Улар ишни суриштиришда жабрдийданинг зиддиятли кўринишидалиги сабабини аниқлашлари, шунингдек афсоналарнинг ишонарли эмаслигини исботлаш учун далиллар, исботлар ва статистика маълумотларидан фойдаланишлари ҳамда ўзлари мулоҳазаларини андозаларга асосламасликлари керак.

Қонунбузарликлар билан самарали кураш олиб бориш ва жабрдийдага етказилган зарар қопланишини таъминлаш учун суд ҳимояси воситалари инсон ҳуқуқлари муайян бузиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Фуқаролик ишлари доирасида ҳуқуқий ҳимоянинг зарур воситаларига қуидагилар тааллуқлидир: реституциялар (ҳуқуқларнинг тикланиши), етказилган зарарни қоплаш ва бундай қилмишлар қайтарилишига йўл қўймаслик чоралари. Судлар ҳам жабрдийдани реабилитация қилишга нисбатан кўрсатма бериш (тиббий ва руҳий ёрдам ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш) тұғрисидаги масалани кўриб чиқишлини лозим. Жабрдийдалар ҳамиша ҳам фуқаролик судлови доирасида ўзларига етказилган зарар қопланиши ҳуқуқига эгаликлари ва ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш тартибидан хабардор эмаслар, шунинг учун амалиётчи мутахассислар уларга тегишли асосий маълумотларни тақдим этишлари ва уларни ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган ташкилотларга йўллашлари керак. Айбдор учун молиявий жазолар кўпинча зарур самара бермайди ва хотин-қизлар агар эрлари ёки шерикларига молиявий масалада қарам бўлсалар бу уларнинг ахволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка тааллуқли жиной иш жараёни доирасида хуқуқий ҳимоянинг зарур воситалари тўғрисидаги қарорни қабул қилишда зўравонликлар динамикаси ва жабрдийдага етказилган зарар англаниши керак. Истамбул конвенциясида хуқуқий ҳимоянинг зарур воситаларини аниқлашга тааллуқли муҳим қоидалар мавжуддир. Фуқаролик суд иши доирасида етказилган зарарни ундириш учун хуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш жиной жазони қўллашни ва унинг тескарисини истисно этмайди. Яъни хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жабрдийдалари жиной жазо қўлланилиши (29-модда) билан бир қаторда фуқаролик-хуқуқий ҳимоя воситаларидан (зўравонликни содир этган шахсларга нисбатан) фойдаланишга ҳақлидирлар (30-модда).

- Мухофаза буйруғи – бу фуқаролик-маъмурий, ёки ҳатто жиной-хуқуқий хуқуқларни ҳимоя қилиш воситаси ёхуд жабрдийда унинг ёрдамида зўравонлик муносабатларини тўхтатиши ва бундан кейин зўравонлик ҳолатларидан ҳимояланиши мумкин бўлган таъминловчи чорадир. Истамбул конвенциясида таъкидланганидек, мухофаза буйруқлари “бошқа хуқуқий тартиблардан қатъи назар ёки уларга қўшитмча равишда” фойдаланиши керак ва бундан кейинги хуқуқий тартибларда қабул қилиниши мумкин (53-модда). Бундан ташқари, мухофаза буйруғи бузилиши ҳолатларида бу бузилишда айбдор шахс жиной жавобгарликка ёки бошқа хуқуқий жазога тортилиши керак.

- Зўравонлик ҳолатларини содир этадиган шахсларга йўналтирилган дастурлар. Бундай дастурларнинг ишлаб чиқилиши илғор амалиётга тааллуқлидир ва Истамбул конвенциясининг талабларидан бири ҳисобланади (16-модда). Айловчи томони айбдорларнинг белгиланган жазога қўшимча чора сифатида бундай дастурлarda қатнашишини талаб қилиши, судлар эса буни буориши мумкин, бироқ дастурда қатнашиш тайинланган жазонинг ёки хуқуқий жазонинг муқобили бўлмаслиги керак. Бундай дастурни тайинлашда хуқуқ тизимишнинг ходимлари дастур муайян мезонларга мувофиқлигига ва хавфлар ҳисобга олинганлигига ҳамда жабрдийда хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилганлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

- “Тиклаш” билан чегараланмайдиган хуқуқий ҳимоя воситалари. Бундай воситалар тузилма даражасида гендер хурофотлари ва андозаларига барҳам беришга йўгалтирилган бўлиб, ўзгариш салоҳиятига эгадир. Улар буйруқлар, муайян давлат субъектларига (масалан, хуқуқ-тартибот органларининг ёки тиббиёт муассасаларининг ходимларига) “Гонсалес ва бошқалар Мексикага қарши” (González et al. v. Mexico)⁴⁰ (Инсон хуқуқлари бўйича американаро суд, 2009 йил) ишида бўлгани каби муайян чоралар кўриш тўғрисидаги фармойишлардан иборатдир. Суд ушбу иш бўйича ўз қарорида хотин-қизларнинг йўқолиб қолиши, уларга нисбатан шаҳвоний зўравонлик ва хотин-қизларнинг ўлдирилиши билан боғлиқ барча жиноятларни суриштириш доираларида фойдаланиладиган барча баённомалар, қўлланмалар, суриштириш тадбирлари мезонларини халқаро

⁴⁰ http://www.corteidh.or.cr/docs/casos/articulos/seriec_205_ing.pdf

стандартларга мувофиқлаштириш буйругини берди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий роли тўғрисидаги андоза тасавурларини енгиб ўтиш учун инсон хуқуqlари ва гендер масалалари бўйича доимий таълим ва ўқув дастурлари ҳамда курсларини жорий этиш, шунингдек таркиб топган зўравонлик вазиятидан чиқиш учун маҳсус Чиуауа штати аҳолисига ўқув дастурини ташкил этиш топширилди. Бундан ташқари штат маъмурларига уч йил мобайнида Судга ушбу чоралар бажарилишининг бориши тўғрисида ҳар йиллик ҳисобот топшириш буйруғи берилди. Шунингдек, суд бир тарафлама тартибда хуқуқий ҳимоя воситасини танлаш ўрнига ижроия ҳокимият билан мулоқот давомида тегишли хуқуқий ҳимоя воситасини аниқлаши ҳамда ундан судда кўриб чиқилаётган иш юзасидан қарорни таклиф этишини ва ўз амалларини тушунтиришни ҳамда суд қарорларининг ижроси юзасидан кўрилаётган чораларни талаб қилиши мумкин. Жазони тайнинлаш. Жазо адолатли, камситилмайдиган, мутаносиб, келишилган ва изчил бўлиши керак. Жазонинг асосий мақсадлари жабрдийдани ҳимоя қилиш, зўравонлик тақрорланмаслигининг олдини олиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўлиши керак. Айбдорни реабилитация қилиш жиноий жазолашнинг асосий мақсади бўлиши мумкин эмас. Жиноий суд ишида хукм чиқариш маъносида прокурорлар ва судьялар, бошқа нарсалар қатори, қуйида санаб ўтилган асосларга амал қилишлари мумкин.

Шунинг учун ушбу модулда умумий ахборот тақдим этилган ва тегишли ҳолларда унинг мақсади судьялар ва прокурорларга айрим йўриқномаларни тақдим этишdir. Ҳудди шу тарзда давлат ва шахсий хуқуқда (бевосита ушбу ҳолатда жиноий ва фуқаролик хуқуқи) тартиб, исботлаш стандартлари ва эҳтимолий жазолар нуқтаи назаридан жиддий тафовутлар мавжуд. Хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиш имконияти – ҳар икки соҳа учун долзарб масаладир, бироқ ушбу қўлланма доирасида барча хуқуқий ҳолатларни ҳар тарафлама кўриб чиқишининг имконияти йўқ. Ушбу қўлланмада эътибор хотин-қизлар дуч келадиган хуқуқ бузилиши кенг доирасини қамраб оладиган мисоллар ва ҳолатларни ўрганишга қаратилди. Шунингдек, миллий даражада ушбу қўлланма, жумладан уйдаги зўравонлик ва оила хуқуқи, шаҳвоний зўравонлик ёки иш жойида шаҳвоний хирадлик каби мавзуулар бўйича маҳсус ўқув дастурлари билан тўлдирилиши тавсия этилади. Ушбу бўлимда баён этилган илғор амалиёт ва принциплар гендер жиҳатлар ҳисобга олинган одил судлов тизими учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда улар одил судлов тизими мутахассислари томонидан ишларни кўриб чиқища қўлланиши керак.

Жиноий, хусусан хотин-қизларга нисбатан зўравонликка тааллуқли ишларда жабрдийдалар суд жараёнида айловчи томонининг гувоҳлари сифатида иштирок этади. Шуни ёдда тутиш муҳимки, гендер зўравонлиги, шу жумладан уйдаги зўравонликнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли жабрдийда нафақат жиноятчини танийди, балки у билан яқин муносабатларга эгадир. Бундай муносабатлар сабабли жабрдийдага нисбатан такорий ва тобора кучайиб борадиган зўравонлик, ўч олиш ва таҳдидларнинг юқори хавфи мавжуддир. Шунинг учун жабрдийдалар бутун суд жараёни давомида одил

судлов тизими томонидан ҳимояланиши ниҳоятда муҳимдир. Шу билан бирга, одил судловнинг кўпгина тизимларида кузатиладиган камчиликлардан бири - гендер зўравонлиги жабрдийдаларининг қўллаб-қувватланмаслигидир, чунки улар жиноий жараёнда расмий томон ҳисобланмайди.

Илғор тажриба

Евropa Иттифоқида жабрдийдалар ҳукуқларини мустаҳкамлаш ҳамда уларни жиноий жараёнда қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар қилинди. Жиноят жабрдийдаларининг ҳукуқларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг энг кам стандартларини ўрнатган Евropa Иттифоқининг 2012/29/EС (2012) Директивасида Евropa Иттифоқининг барча мамлакатларига уларнинг жиноий жараёнда расмий роли билан биргаликда жабрдийдаларга қатор ҳукуқлапни беради. Евropa Иттифоқининг Директиваси бошқа нарсалар қатори, зўравонлик жабрдийдалари бўлган хотин-қизларга ниҳоятда муҳим бўлган қуйидаги ҳукуқларни ўрнатади: эшитилиши ва исботларини тақдим эта олиши, жиноий иш қўзғашни рад этиш тўғрисидаги қарорни (айниқса прокурорларнинг айловларни бекор қилиш ёки ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорлари) қайта кўриб чиқиши, ишнинг бориши тўғрисида маълумотлар олиш (уидаги зўравонлик ҳолатларида суднинг узил-кесил қарори, қамоқда сақлаш, шунингдек қамоқдан озод қилиш ёки қочиш тўғрисидаги маълумотлар айниқса муҳимдир). Директивани бажариш бўйича қўлланмада прокурорлар ва судьялар жабрдийдаларни уларнинг ҳукуқлари тўғрисида хабардор қилишлари шартлиги аниқ кўрсатилган. Евropa Иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатлар қонунчилиги жиноятлар жабрдийдаларига ҳукуқлар тақдим этади. Ана шундай ҳукуқларни ҳимоя қилиш одил судлов мутахассисларининг бурчлари ҳисобланади. Хотин-қиздларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш мақсадида процесуал ҳукуқка қодирликка тааллуқли қоидалар “аниқ бир ишдан манфаатдор бўлган фуқаролик жамиятининг гуруҳлари ва ташкилотларига жараёнда иштирок этишлари билан бир қаторда мурожаат қилиш ва иштирок этишга рухсат бериш” учун кенгайтирилиши тавсия этилади.

Айрим мамлакатларда хотин-қизлар ташкилотларига уидаги ва шаҳвоний зўравонлик тўғрисидаги ишлар бўйича даъвогарнинг ҳукуқий манфаатларининг вакили бўлиш ҳуқуқисиз суд жараёнларида иштирок этишларига рухсат берилади. Бундай амалиёт Истамбул конвенцияси томонидан тавсия этилган.

Бундай ноҳукумат ташкилотлари, қоида бўйича, кўпинча ўз адвокатига эга бўлмайдиган зўравонликдан жабр кўрганларнинг норасмий адвокатлари сифатида иш кўради. Ноҳукумат ташкилотларининг вакили бўлган адвокат суд тартибларини тушунтиради, жабрдийда номидан жиноий одил судловга тааллуқли турли ташкилотлар билан алоқа ўрнатади, шунингдек зўравонлик жабрдийдасига судгача бўлган ва судда ҳамроҳлик қиласи. Ана шундай ҳолатда ноҳукумат ташкилотлари расмий мақомга эга бўлмайди, бироқ ҳукуқий тизим ва жабрдийда ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтаси мумкин.

Европа Иттифоқида ноҳукумат ташкилотларининг камситиш ишларида хуқуқка қодирлиги турли икки маънода кўриб чиқилган:

1) ташкилот суд ишида жабрдийданинг вакили ёки жабрдийдага ёрдам кўрсатиш мақсадида иштирок этиш хуқуқига эгами;

2) ташкилот “аниқ жабрдийда бўлмаганида ўзи унинг вакили сифатида бўлганида ёки унга ёрдам бераётганида камситишнинг институциал кўринишлари билан курашиб ва эҳтимол тутилган даъвогарнинг бундан буёнги виктимизацияси хавфини камайтириш мақсадида” (actio popularis) даъво тақдим этиш хуқуқига эгами.

Европа Иттифоқи мамлакатларида ноҳукумат ташкилотлари ва касаба ўюшмаси “суд ва маъмурий ишларда “даъвогарнинг вакили сифатида ва жабрланганга ёрдам кўрсатиш мақсадида иштирок этишга” ҳақлидир, бироқ кўпчилик мамлакатларда шу каби ташкилотлар агар улар камситишнинг муайян жабрдийдасининг вакили бўлмаган ҳолатларда зарарни қоплаш даъвосини тақдим этиш хуқуқига эга эмаслар. Фақат икки мамлакатда агар иш жамоатчилик манфаатларига мувофиқ бўлганида ноҳукумат ташкилотлари камситиш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича хуқуқий ҳимояни тегишли ташкилот фойдасига пул компенсацияси ёки қоплаш шаклида - *in nome proprio*) талаб қилишга ҳақлидирлар.

Илк босқичда тартиб тўсиқлари сабабли аёлнинг одил судловдан фойдаланиш имконияти чегараланмаслигини таъминлашда **судья ҳам муҳим роль ўйнайди**. Масалан, уйдаги зўравонликни содир этган шахслардан ҳимоя қилиш мақсадида буйруқ чиқариш юрисдикциясига эга судларда судья жабрдийда ва жиноятчи исботларини тақдим этадиган эшитишларда раислик қиласди. Мухофаза буйруғини бериш бўйича эшитишлар тўлиқ тергов қилинадиган жиноий суриштирувлар (ҳолбуки, судьялар полициянинг суриштирув натижалари тўғрисидаги ҳисоботларига таянсалар ҳам) маъносида ўтказилиши шарт эмас. Шунинг учун судьянинг жабрдийда учун ҳимоя чораларини талаб қилиши фақат жабрдийда ва оиланинг бошқа аъзоларининг хавфсизлиги учунгина эмас, шунингдек ишни давом эттириш ва бунинг натижаси сифатида ҳукм чиқарилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўзларининг шахсий хавфсизлигидан кўрқмайдиган ва одил судловнинг тизими ҳам бундан кейинги зўравонликни камайтиришга йўналтирилганига ишончи комил жабрдийдалар/жабрланганлар келгуси жиноий жараёнда гувоҳ сифатида ҳамкорлик қилишлари анчайин эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, мухофаза буйруғини бериш тўғрисидаги эшитишлар судьянинг ишга тегишли йўналиш бериш ва давлат уйдаги зўравонлик ҳолатларига зарур даражада эътибор бераётганлигини намойиш этиш учун биринчи муҳим имкониятдир.

Жиноий жараённинг бошланғич босқичлари давомида (бошланғич суриштирув босқичида, мухофаза буйруғини ва жиноятнинг олдини олишни танлашда ва ҳоказоларда) жабрдийдалар/гувоҳлар хуқуқлари ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш мақсадида ҳамда такрорий виктимизацияга йўл қўймаслик учун судьялар ўзларининг дискремион ваколатларидан, масалан иш шахвоний зўравонликка тааллуқли бўлса,

жамоатчиликни эшитишлардан истисно этган ва маҳфийликка риоя қилиш талаблари асосида фойдаланишлари мумкин.

Жумладан, Истамбул конвенцияси жабрдийдалар/гувоҳларнинг суриштирувларнинг барча босқичларида ҳуқуқлари, манфаатлари ва алоҳида эҳтиёжларини таъминлашлари, шу жумладан жабрдийдани зўравонлик содир этган шахс билан боғлиқ эҳтимол тутилган хавфдан, жабрдийданинг ҳуқуқлари ва жабрдийданинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида мавжуд хизматлардан хабардор қилишни, шунингдек жабрдийда билан айланувчи ўртасида алоқанинг олдини олиш чораларини кўришни аниқ талаб этади. Санаб ўтилган кўпчилик омилларни, шу жумладан фуқаролик ишлари доирасида ҳам ҳисобга олиш зарур.

Масалан, судьялар эшитишлар ва/ёки суриштирувлардан воз кечиши ҳисобига ҳуқуқий тизимга босимни юмшатиш мақсадида кўпинча суриштирув томонларини ярашишга ва баҳсни тинчлик йўли билан ҳал этишга даъват этади. Шунга қарамасдан судьялар баҳсни тинчлик йўли билан ҳал этиш қарорини томонлар қабул қилиши кераклигини ва айрим ҳуқуқий нуқтаи назардан алоҳида муҳим ҳолатларда, масалан шаҳвоний хирадикнинг алоҳида чидаб бўлмайдиган ҳолатларида сулҳ битимиши тузиш тавсия этилмаслигини ёдда тутишлари керак. Ишни тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг мақбуллиги тўғрисидаги масала ҳар бир ишнинг моҳиятидан келиб чиқсан ва хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиш имконияти муаммосини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши керак. Судьялар судга мурожаат қилган аёлга ишни тинчлик йўли билан ҳал қилиш учун босим ўтказилмаслигини дикқат билан кузатиб боришли, шунингдек судгача бўлган эшитишларда тегишли қарор қабул қилишлари керак. Гендер зўравонлиги билан боғлиқ жиноий ишларда прокурорлар ҳам, судьялар ҳам суриштирув ва далилларни тўплаш (айниқса суд-тиббий экспертизаси маълумотларини тўплаш ва текширишга нисбатан) босқичларида ҳар қандай кечикирилиш бўлмаслигини таъминлаш чораларини кўришлари керак. Акс ҳолда бу суд таъқиби ва қарор чиқаришни таҳдид остига қўйиши мумкин. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларида ишни тезлаштиришни кўллаш (масалан, тез кузатиб бориш ва ихтисослашган судлар) умумқабул қилинган тегишли амалиёт ҳисобланади.

Қатор мамлакатларда тергов ваколатларини тенглиники таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга ва квазисудларга бериш қабул қилинган бўлиб, бу тегишли амалиёт ҳисобланади.

2016 йилда “Ҳалима Қилич Туркияга қарши” иши доирасида суриштирув/судгача бўлган эшитишлар жараёнидаги қатор камчиликлар Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан Европа Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 2-моддаси (яшаш ҳуқуқи) ҳамда 14-моддаси (камситишнинг тақиқланиши) бузилиши деб тан олинган. Уйдаги зўравонлик жабрдийдаси маъмурларга тўртта шикоят берган ва у эрига нисбатан учта муҳофаза буйруғини олган. 2008 йилда жабрдийда биринчи шикоятни берган ва муҳофаза буйруғини беришни сўраган, бу буйруқ оиласвий ишлар бўйича суд томонидан берилган. Прокурор эрга қарши айблов эълон қилган. Жабрдийда

иккинчи шикоятни берганидан кейин, суд қўшимча иккита муҳофаза буйруғини берган, прокурор эса суд суриштирувани бошлаган ва айбланувчини судгача қамоққа олишни сўраган, аммо суд бу сўровни рад этган. Эри ўзини ўлдиришни таҳдид қилаётганини тасдиқлаётган жабрдийда айловчидан ҳимояланишнинг қўшимча воситаларини тақдим этишини сўраган. Жабрдийда тўртинчи шикоятни берганидан кейин эри уни ўлдирган. Европа Инсон ҳукуқлари бўйича кенгаши муҳофаза буйруқлари ниҳоятда кечикиб берилганлиги (биринчи ҳолатда 19 кундан кейин, иккинчи ҳолатда 8 ҳафтадан кейин), шунингдек айловчининг айбланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги сўрови кечиктирилганлигини, суд жабрдийда учун хавфни тегишлича баҳоламасдан суддан олдин қамоққа олиш тўғрисидаги сўровни рад этгани, айбланувчи муҳофаза буйруғини бузганлиги учун жазоланмаганлигини, полиция ҳам, прокурор ҳам жабрдийдага бошпанага эга бўлиши мумкинлигини маълум қилмаганликлари тўғрисида қарор қабул қилган.

Гендер ёки жинс белгиси бўйича камситиш юзасидан маълум қилинганида амалиётчи ҳуқуқшунослар учун фойдаланиш мумкин бўлган далиллар турларини аниқлаш қўшимча муаммо ҳисобланади. Гендер ёки жинсий белги бўйича камситиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва суд қарорини қабул қилишда муаммоли нарсалардан бири аниқ ҳаракатлар ёки қарорлар камситиш хусусиятига эга бўлганлигига доир далилларнинг мавжуд эмаслигидир. Бевосита камситилиш бўйича далиллар, қоида бўйича, мавжуд бўлмаслигидан ташқари (масалан, қоидалар, сиёsat ва амалиёт холис бўлиб, улар хотин-қизлар ва эркаклар учун турли муомалани аниқ ўрнатмайди) камситиш тўғрисида даъво тақдим этиш учун, одатда, камситиш ҳолати ўрнатилишини аризачилардан соддалаштирилган далилларнинг муаяйн турлари, шунингдек процессуал нормалар талаб қилинади. Камситилишнинг қўпгина ҳолатларида прокурор (агар камситиш тушунчаси миллий жиноят кодексида белгилаб қўйилган бўлса) ва судья (фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича) билвосита камситиш далилларини тўплайди ва таҳлил қиласи. Демак, далилларни кўриб чиқишда эътибор “улар аниқ шахслар гурухлари учун ўзлари каби вазиятда бўлган бошқа шахсларга номутаносиб нокулай ҳисобланишини исботлаш” мақсадида баҳоланадиган қоидалар, сиёsat ёки амалиётга қаратилиши керак. Камситиш тўғрисидаги ишларда исботлаш оғир вазифаси ва жиноят аломатларига кўрсатадиган етарлича маълумотлар бўлиши масалалари бир хил аҳамиятга эгадир. Шуни таъкидлаш керакки, далилларни тақдим этишда жабрдийданинг роли, шунингдек зарур далилларнинг муҳимлиги ва исботлаш оғир вазифасининг тушунчаси жиноий, маъмурий ва фуқаролик ишларидан (масалан, меҳнат баҳслари ишларидан) жиддий равишда фарқ қиласи. Жиноий ишларда жабрдийданинг роли чегараланганди. Суриштириш ўтказиш ва камситишнинг асослигини аниқлаш (шунингдек айбланувчида камситиш нияти бўлганлиги) –даъвогар/тегишли органнинг вазифасидир. Жиноий ишлар доирасида айбиззлик презумпцияси ва жазолашнинг эҳтимол тутилган оғирлиги далилларга юқорироқ талаблар қўйилади. Исботлашнинг оғир вазифаси айловчи томони зиммасида қолади.

Жинс ёки гендер белгиси бўйича камситиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида ва маъмурий суринимларда жиноий ишлардан фарқли равишда жабрдийдага фаолроқ роль берилади ва ҳар бир томон ўз даъволарини тасдиқлайдиган далилларни тақдим этади. Лекин энг муҳим фарқ шундан иборатки, Европа Иттифоқи Директиваси ва Европа судининг прецендент ҳуқуқига асосланган Европа ҳуқуқига биноан исботлашнинг оғир вазифаси даъвогарнинг эмас, балки жавобгарнинг зиммасида бўлади. Исботлашнинг оғир вазифаси даъвогардан жавобгарга ўтиши даъвогарни муайян амаллар ўртасидаги сабаб-тергов ҳамда етказилган зарар алоқасини исботлашдан, яъни камситиш далилларини тақдим этишдан озод қилмайди. Аксинча, даъвогар энг аввало “судга камситиш бўлганлиги мумкинлигини исботлаши”, яъни жиноят белгиларига (агар бошқа нарса исботланмаган бўлса, камситиш бўлганлигини кўрсатадиган белгилар) исботлаши керак. Шундан кейин исботлашнинг оғир вазифаси жавобгарга/айбланувчига ўтади, у алоҳида муомала камситиш билан боғлиқ бўлмаганлигини исботлаши керак бўлади. “Агар жавобгар камситиш билан боғлиқ бўлмаган муайян муомаланинг объектив сабабларини кўрсата олмаса, у камситишга қарши қонунларни бузганликда айбланади”.

Европа Иттифоқининг мутахассислари қўпгина мамлакатларда ҳозиргача судьялар, ҳуқуқшунослар ва ҳатто тенглик масаласи бўйича айрим органлар жиноят белгиларига кўрсатаётган етарлича маълумотга талабларни, шунингдек исботлаш оғир вазифасини узатиш механизмини “у қадар тушунишмаётганини”, шу муносабат бидан ҳуқуқшунос мутахассис-амалиётчиларни ўқитишни ташкил қилиш ва ёзма дастурамал кўрсатмаларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидламоқдалар.

Илғор амалиёт

Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенглик тўғрисидаги Швейцария федерал қонуни қабул қилинишининг сабабларидан бири Швейцария Конституциянинг камситишга қарши қоидаларини бажаришга кўмаклашиш, жумладан бундай ишлар суд суринимида тартибини аниқлаш бўлди. Қонун “агар жавобгар алоҳида муомала камситиш билан боғлиқ эмаслигини исботлай олмаса, исботлаш оғир вазифасини енгиллаштиш”ни назарда тутади: бунда камситиш содир бўлган деб ҳисобланади. Швейцария ҳуқуқига биноан, меҳнат муносабатлари маъносида исботлашнинг оғир вазифаси жавобгар зиммасига юкланиши учун аёлга бир хил лавозимни эгаллаб турган ва бир хил ишни бажараётган эркак аёлга нисбатан кўп иш ҳақини олишини исботлаш (масалан, аёл ўша қимматга эга бўлган меҳнат учун учун 10-15 фоиз кам иш ҳақи олишини) кифоя. Иш берувчи муомаладаги нотенгликни оқлайдиган объектив сабаблар мавжудлигини исботлаши шарт; бунда асослашнинг аҳамияти камситиш даражасига мутаносиб бўлиши керак. Исботлашнинг бундай қоидалари жавобгар зиммасидаги исботлашнинг оғир вазифасини енгиллаштиради, шунингдек исботлашга қатъий талаблар қўйилмасдан камситиш мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга суднинг ишини ҳам соддалаштиради. Бундай ёндашишнинг мақсади – меҳнат соҳасида камситиш муаммосини тан олишдир. Жинс ёки гендер белгиси бўйича

камситиш ҳолатларида исботлашнинг ўзига хослиги бошқа аломатлар, масалан гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатлар ёки умумий маълумотлари кабилардан фарқ қиласиди. Бундан ташқари малака ошираётган ҳуқуқшунослар камситиш тўғрисидаги даъволарни тасдиқлаш учун фойдаланиши мумкин бўлган статистика маълумотлари, вазиятни тест қилиш натижалари, сўров варақалари, аудио- ва видеоёзувлари, суд экспертизасининг хulosалари ва билвосита исботларга асосланган ҳолдаги хulosалар каби исботлашнинг бошқа турлари билан ҳам таниширилган бўлиши муҳимдир.

Статистика маълумотларига асосланган исботлар бевосита бўлмаган камситишини ва айниқса бандлик маъносидаги (масалан бир хил бўлмаган ҳақ тўлаш, ишга қабул қилишни ёки хизмат вазифасида кўтаришни рад этиш) жинс ҳамда гендер белгиси бўйича камситиш кўринишларини аниқлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. “Статистика маълумотларидан фойдаланиш эътиборни алоҳида бир жабрдийдадан номувофиқликнинг анча кенгроқ тузилмаларига қаратишга ёрдам беради. Бундай усул жабрдийдага ана шундай муомаланинг жабрдийдалари бўлган, бироқ камситилишга йўл қўйган шахсларга нисбатан даъво аризаси беришни хоҳламайдиган кўпгина шахслардан хабардор эканлиги ҳолатларида фойдалидир”. Аудио- ва видеоёзувлар. Аудио- ва видеоёзувлар орқали исботлаш қоидаси юрисдикцияга боғлиқ равишда фарқланади, аммо айрим мамлакатлар тенгликни таъминлаш бўйича органларга судларда ҳам исботлашнинг бундай туридан фойдаланишга рухсат берган.

Суд экспертларининг хulosалари

Суд экспертларининг хulosалари камситиш кўринишлари аниқ муассасаларда мавжудлиги далилини ўрнатишида ёки камситиши исботлаш техникавий жиҳатдан мураккаб бўлган ҳолатларда (масалан, аёлга/аёлларга бир хил бажарилган иш учун кам иш ҳақи тўланганлиги маълум қилинганида “меҳнатда тенглик” тушунчасини аниқлашда) буни қай тарзда баҳолаш ва тушунтириш мақсадларида айниқса фойдали бўлиши мумкин. Прокурорлар жалб қилинган ҳолатларда камситиш мавжудлигини исботлашнинг турли вариантларини ўрганишида прокурорларнинг етарли даражада эътиборли иш кўришлари муҳимдир. Камситишга дучор бўлган хотин-қизлар одил судловдан фойдаланиш йўлида рўпара бўладиган энг тарқалган тўсиқлардан бири суд органлари ходимларида билвосита камситиши баҳолашга тааллуқли илмлари ва тажрибаларининг мавжуд эмаслигидир. Жуда кўп ҳолларда бевосита камситиш исботларининг мавжуд эмаслигидан айблов тақдим этмаслик ва ишни ёпиш учун асос сифатида фойдаланилади. Исботларни тўплашга синчиклаб ёндашиш жумладан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳолатларда жиноий таъқиб қилишининг муҳим қисми ҳисобланади. Прокурорлар ҳам, судьялар ҳам зўравонлик содир этган шахснинг айбдор эканлигини исботлаш учун етарли равишда далилларни тўплаш давлатнинг бурчи эканлигини ҳамиша ёдда тутишлари керак. Бу жабрдийданинг гувоҳлик далолатномалари ниҳоятда муҳимлиги, лекин ҳисобга олинадиган исботларнинг яккаю ягонаси эмаслигини

англатади. Бу қоида Истамбул конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган, унга мувофиқ, конвенция томонлари “хуқуқбузарликка нисбатан суриштирувлар ёки суд таъқиби [...] тўла-тўқис жабрдийда томонидан тақдим этилган ариза ёки шикоятдан иборат эмас [...] [ва] хатто жабрдийда ўз аризаси ёки шикоятини қайтариб олса ҳам тартиб давом эттирилиши керак (55-модда).

Суд амалиётидан мисол.

“М.С.нинг Болгарияга қарши иши”⁴¹ да аризачи икки шахс номусига текканлигини тасдиқлаган. Иккала айбланувчи ҳам ўз айбларини бўйнига олмаган. Ўтказилган суриштирувлар натижасида жинсий алоқага мажбурлаш ҳолатини тасдиқлаш учун далиллар етарли эмаслиги аниқланган. Прокурор аризачини жинсий алоқага куч ишлатилган ҳолда ёки таҳдид билан мажбур қилинганигининг далиллари етарли эмаслиги ва “аризачининг қаршилик кўрсатганлиги ёки атрофдагилардан ёрдам олишга уринганлиги” далилларининг йўқлиги учун жиной ишни тўхтатган. Европа Инсон хуқуқлари кенгашининг аризачига хабарида бу жиноят таркибиға кирмаслиги ва прецедент ҳуқуқида тасдифини топмаслигига қарамасдан, прокурорнинг амаллари “аҳамиятга эга жисмоний қаршилик” далилларини излашни назарда тутадиган суриштирув амалиётига мувофиқлигини тасдиқлаган. Европа Инсон хуқуқлари кенгаши тергов органлари ҳам, айловчи ҳам номусга тегиш содир бўлган деб ҳисоблаганлар, аммо “бевосита далилларнинг” (зўравонлик излари ёки қаршилик кўрсатилганлигининг далиллари) мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жабр кўрганнинг рози эмаслигига таяниладиган ёндашувдан фойдаланмаганликлари тўғрисида қарор қабул қилган. Суд маъмурлар бошқа далилларни (масалан, М.С. алданганлиги ва шаҳвоний алоқага мажбур қилинганилиги) ҳисобга олмаганликлари ва барча имкониятларни қараб чиқмаганликлари (масалан, М.С. “донг қотиб қолганлиги” ҳис этган, бунинг оқибатида айбдорларга бўйсунган, ёки диссоциация⁴²ни ҳис этган). Европа Инсон хуқуқлари кенгаши маъмурлар Европа Инсон хуқуқлари қўмитаси талабларини бузган ҳолда, ушбу иш бўйича самарали суд суриштирувини амалга оширишни таъминламаганликлари тўғрисидаги хulosага келган. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ишлар билан шуғулланадиган прокурорлар учун жабрдийдага нисбатан зўравонлик тақрорланиши хавфини иложи борича камайтиришга олиб келадиган, жабрдийдага йўналтирилган ёндашувни қўллаш орқали жабрдийданинг жиной ишлар бўйича ҳамкорлик қилишни рад этиши эҳтимолини камайтириш учун аниқ чораларни кўриш самарали амалиёт бўлади. Жабрдийда манфаатларига йўналтирилган ёндашув жабрдийданинг кўрсатма беришини ва бу кўрсатмалар самарадорлигини ошириши мумкин. Жабрдийда

⁴¹https://books.google.co.uz/books?id=gpi2DwAAQBAJ&pg=PA16&lpg=PA16&dq=%D0%B4%D0%B5%D0%BB%D0%B5+%C2%AB%D0%9C.%D0%A1.+%D0%BF%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%B8%D0%B2+%D0%91%D0%BE%D0%B%D0%B3%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%B8%C2%BB&source=bl&ots=c9G_bqEbRA&sig=ACfU3U1RJZuwNQfpsjVEnShaDQ7PHvSFlw&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKEwjai7vB3q3qAhXkw8QBHYDDKYQ6AEwAXoECAcQAQ#v=onepage&q=%D0%B4%D0%B5%D0%BB%D0%B5%20%C2%AB%D0%9C.%D0%A1.%20%D0%BF%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%B8%D0%B2%20%D0%91%D0%BE%D0%BB%D0%B3%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%B8%C2%BB&f=false

⁴² Диссоциация – руҳий химоя механизmlарига тааллукли руҳий жараён. Ушбу механизм ишга тушиши оқибатида одам гўё ўзида рўй беряётгандарни ўзида эмас, балки бошқаларда содир бўлаётганидек ҳис этади

манфаатларига йўналтирилган ёндашувнинг энг муҳим унсури - самарали кўрсатма бериши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишидир. Бунинг учун прокурорлар жабрдийда тўғрисида тахминлардан тийилиб туриши ва унинг кўрсатмаларини янгиш баҳоламасликлари керак. Шуни ёдда тутиш керакки, зўравонлик ҳолати тўғрисида кўрсатма бериш зарурати жабрдийдаларга турлича таъсир кўрсатади. Айримлар учун бу куч-куват беради ва уларнинг руҳий ҳолатини тиклашга олиб келадиган покланишни ҳис этиш имконини беради. Бошқалар такроран жароҳатланади. Прокурор буни ёдда тутиши керак ва ҳар бир жабрланганнинг ҳолати ҳамда прокуратура томонидан вазиятдан келиб чиққан ҳолда мослаштириш учун кўрилаётган чораларга масъул эканлигини ёдда сақлаши керак. Прокурорларнинг далилларни олишдаги ва судларнинг суд суриштирувларини бошқаришдаги роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Далилларни тўплаш услубиёти ва жараённи бошқариш ишни бошқаришга бағишлиган 4-бўлимда баён қилинади. Далилларни тўплашга келганда прокурорлар жабрдийданинг гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланган ҳолда ишни самарали суриштириш учун зарур бўлган билимларга ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Шу муносабат билан далилларни тўплаш жараёнида қўшимча далилари ёки учинчи шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланиш керак. Прокурорлар барвақт полицияга далилларнинг аниқ турларини тўплаш юзасидан кўрсатмалар беришлари ва уларнинг эҳтимол тутилган мазмунини ўрганишлари керак. Шунга эътибор берингки, ушбу хужжатда учинчи шахсларнинг кўргазмаси атамаси жабрдийда/жабрланган томонидан тақдим этилган далилларга тааллуқли бўлмаган, жабрдийданинг аризасини қўллайдиган далилларни англатади. Қўшимча далиллар атамаси полиция ёки прокурорнинг судгача бўлган босқичидаги ишда олинган жабрдийданинг кўрсатмалари вазиятида ишлатилиши мумкин ва судда далилларнинг бошқа турлари билан эълон қилинади, бунда жабрдийда судда шахсан гувоҳлик бермайди. Қўшимча далиллар уйдаги ёки шаҳвоний зўравонлик билан боғлиқ мураккаб ишларни баён этиш учун қўлланилмайди. Бу ишларда жабрдийда кўрсатмалари ишонарли эмаслиги тўғрисидаги тахминлар туфайли айловнинг ҳар бир бандини қўллаб-куватлаш мақсадида турли далиллар қўлланилади. Кўпгина миллий хуқуқий тизимларда қўшимча далилларни тақдим этиш (масалан, номусга тегиш тўғрисидаги ишларда суқилиб кириш далилларининг икки тури, рози эмаслик далилларининг икки турини тақдим этиш керак эди) талаби амал этарди, бу кейин бекор қилинди. Қуйида тақдим этилган назорат рўйхатида уйдаги зўравонлик ҳолатларида қўлланиладиган қўшимча далилларнинг ва учинчи шахслар кўрсатмаларининг кенг ёйилган турлари келтирилган. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг бошқа кўринишларига ҳам тааллуқлидир.

Қўшимча далиллар уйдаги ёки шаҳвоний зўравонлик билан боғлиқ мураккаб ишлар ни баён этиш учун қўлланилмиайди. Бу ишларда жабрдийда кўрсатмалари ишонарли эмаслиги тўғрисидаги тахминлар туфайли айловнинг ҳар бир бандини қўллаб-куватлаш мақсадида турли далиллар қўлланилади. Кўпгина миллий хуқуқий тизимларда қўшимча далилларни

тақдим этиш (масалан, номусга тегиши тұғрисидаги ишларда суқилиб кириш далилларининг икки тури, рози эмаслик далилиниң икки турини тақдим этиш керак эди) талаби амал этарди, бу кейин бекор қилинди Қуйида тақдим этилган назорат рўйхатида уйдаги зўравонлик ҳолатларида қўлланиладиган қўшимча далилларнинг ва учинчи шахслар кўрсатмаларининг. кенг ёйилган турлари келтирилган. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг бошқа кўринишларига ҳам тааллуқлидир.

“Агар зўравонлик жуда жиддий бўлса, жабрдийда судда кўрсатма беради” деган янглиш фикр тарқалган. Амалда жабрдийданинг судда кўрсатма бериш хоҳиши қатор омилларга, шу жумладан жиноятчи томонидан таҳдиднинг ҳис этиши, суриштирувда ҳамкорлик қилишдан воз кечиш мақспидиа босим кўрсатилиши, шунингдек унинг жиноятчига тобелигига (айниқса уйдаги зўравонлик ҳолатларида) боғлик бўлади. Уйдаги зўравонлик ҳолатларида кўпинча жабрдийда прокурор ишни тўхтатишини талаб қиласди ёки судга ҳар қандай йўл билан ўзи ишончсиз гувоҳ бўлишини (у суд мажлисларида ҳозир бўлмаслиги ёки судга келмаслиги, зўравонликни иложи борича хаспўшлаши, жиноятчи унга тан жароҳатлари етказмаганлиги тўғрисида гувоҳлик бериши ва ҳоказолар) кўрсатади. Шуни ёдда тутиш керакки, гендер зўравонлиги ҳолати тўғрисида болалардан сўралганда алоҳида техникани ва муқобил далилларни синчиклаб тайёрлаш тартибини қўллаш керак. Прокурор, тегишли равишда, жабрдийда томонидан бўлажак суд жараёнида ўз ролини ва ўзига хавфни иложи борича камайтириш учун прокурор амалларини тушунишини таъминлаш учун чоралар кўриши зарур.

Прокурорлар учун тегишли амалиёт, шунингдек агар жабрдийда судда кўрсатма бермайдиган бўлса, далил сифатида ишлатилиши мумкин бўлган, жабрдийданинг аниқ ва кенг қамровли аризаси иш материалларида бўлишини таъминлаш ҳамда жабрдийдани ҳодисага нисбатан керак бўлмаган ва тақрорланадиган сўроқлардан холи қилиши керак. Бундай хисобот ёзма тарзда расмийлаштирилиши мумкин, бироқ аризанинг видеөёзувидан фойдаланиш маъқулроқ бўлади. Айниқса ушбу усульдан шаҳвоний зўравонлик жабрдийдаси кўрсатмаларини қайд этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жабрдийданинг ҳодиса тафсилотлари тўғрисида тақрорий сўроқлардан холи қилиш имконини беради. Прокурорлар ва судьялар судда далилларни тақдим этиш усули тўғрисида, айниқса жабрдийдага ҳиссий жароҳат ва танглик келтириши мумкин бўладиганларни синчиклаб ўйлаб олишлари, шунингдек уларни хира ва кўп маротабали сўроқлардан олиб қочишга ҳаракат қилишлари керак.

Масалан, агар жабрдийда ҳиссий жароҳат олган ва судда зўравон билан учрашишидан қўрқув ҳис этаётган бўлса, далил сифатида кўрсатмаларнинг олдиндан ёзиб олинган видеөёзувларини тақдим этиш мумкин. Агар ҳатто юрисдикция ҳимоя томонидан бир йўла икки ёқдан сўроқ қилишни ўтказишни ёки юзма-юз сўроқни талаб қилса, прокурор кўрсатмани бошқа хонадан видеоалоқа ёки видеөёзув тизими ёрдамида беришга нисбатан кўрсатма беришни талаб қилиши мумкин. Агар жабрдийда ёки гувоҳ судда қарама-карши кўрсатма бераётган бўлса, судья буни бартараф этиш (масалан, агар у

кўрқитиши тактикасини қўллаётган бўлса, судланувчини суд залидан чиқариб юбориши) мақсадида кўрсатмалар ўзгарганлиги сабабини аниқлаш учун уларни маҳфий тарзда сўроқ қилишга тайёр бўлиши керак. Ишга тайёргарлик кўришнинг бошқа муҳим жиҳати ҳимоя томонидан бичиб-тўқилган, саросимага соладиган ёки ҳақорат қиласидиган, айниқса гувоҳга зарар келтирадиган, лекин ишга алоқаси бўлмаган ёки унинг учун бирор аҳамияти бўлмаган (масалан, ўтмишдаги шаҳвоний ҳолатлар, обрў, спиртли ичимликларни ёки наркотикларни суиистеъмол қилиши ва ҳоказолар) далиллар тақдим этилиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш ва бунга тайёр туриш ҳисобланади.

Эътибор беринг: Истамбул конвенцияси томонлар ҳар қандай фуқарлик ва жиноий тартибларда шаҳвоний муносабатлар тарихи ва жабрдийданинг ўзини тутишига тааллуқли далилларга фақат улар “ишнинг моҳиятига тааллуқли ва зарур бўлса”гина рухсат берилишини таъминлаш чораларини кўришларини талаб қиласиди (54-модда). Жуда кўпинча хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги ишлар доирасида хотин-қизларнинг ўзларини тутиши, уларнинг либослари ва шихсий ҳаёти тўғрисидаги андозалар ва тахминларга асосланган исботларни тақдим этиш учун хира сўроқлар ишлатилади. Прокурорлар бичиб-тўқилган, аммо текширилаётган ҳодисага тааллуқли бўлмаган, жабрдийданинг “ёмон” феъл-автори билан боғлиқ ҳар қандай далилларига эътиroz билдиришга ва жабрдийдалар/гувоҳларни ҳимоя қилишга тайёр бўлишлари керак.

Суд амалиётидан мисол.

Европа инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан **Y нинг Словенияга қарши иши** шаҳвоний хусусиятга эга бўлган зўравонлик қўллаш иши бўйича жиноий суд жараёнида судьянинг процессуал бурчи ва ролига тааллуқли бўлган. Шикоят Y нинг X га қарши ишига нисбатан берилган бўлиб, аризачининг (ўша пайтда 14 ёшли қизчанинг) жинсий алоқага мажбурлашига тегишли эди. Жиноий иш жараёнида гинекология текшируви тўла-тўқис бўлганлиги тан олинган, X эса Y ни қарама-қарши сўроқка тутиб, тўрт ой мобайнида 100 тадан кўпроқ савол берган. Европа инсон ҳуқуқлари кенгаши давлат X га қарши жиноий иш жараёнида Y нинг шахсий ҳаётни ва шахсий даҳлсизлигини ҳурмат қилиш ҳуқуқини таъминлаганлиги масаласини кўриб чиқкан. Суд X нинг қарама-қарши сўроқ давомида берган саволлари кўпчилигининг мақсади Y нинг кўрсатмалари ишонарлигини шубҳа остига кўйиш ва унинг шахсий фазилатларини пасайтиришдан иборат эканлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Суд жавобгарнинг қарама-қарши сўроқ қилиш ҳуқуқини тан олган ҳолда давлат жавобгар ҳуқуқига амал қилиш билан бир қаторда даъвогарнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг зарур даражада мутаносиб бўлишини таъминламаганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Суд ҳимоя йўналишида гувоҳлар/жабрдийдалар кўрсамаларининг ишонарсизлиги ва мустаҳкамлиги шубҳалиги ҳамда жабрдийданинг гувоҳлик кўрсатмаларида номувофиқлик аниқланганлигига урғу бериб, шунингдек аниқ равища “қарама-қарши сўроқ гувоҳларни камситиш ёки қўрқитиши учун

фойдаланилиши мумкин эмаслиги” түғрисида қарор қабул қилди. Бу ніхоятда мұхим роль үйнайды, чунки улар ёрдамида жабрдийдага ишончни күпорадиган гендер андозалари мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. “Жиной юстиция тизимида кўпинча исботлаш тартиблари ва қоидаларида суднинг мансабдор шахслари томонидан гендер масаласида нохолис жиддий гендер андозаларини ҳамда умуман жиной одил судлов тизими томонидан хотин-қизларни камситишга сабаб бўладиган муомалани аниқлаш мумкин. Гендер андозалари хотин-қизларга нисбатан номусга тегиши ва зўравонлик билан боғлиқ ишларни қўриб чиқиши тартибларига алоҳида таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий тизим аёллар номусга тегиши ва шаҳвоний хусусиятга эга зўравонлик ҳаракатларини тўкиб чиқаради деган хато ишонч сабабли шаҳвоний зўравонлик жабрдийдаларига ишонмасдан ва уларга шубҳа билан қарайди. Бундай ишончнинг хатолигига қарамасдан у айрим мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида мустаҳкам ўрнашиб олган. Шунинг учун шаҳвоний зўравонлик ишларида шаҳвоний зўравонлик жабрдийдалари тўғрисидаги айрим андозаларни акс эттирадиган исботлашнинг алоҳида қоидалари қўлланилади ҳамда хира ва асосланмаган талабларга, шунингдек жабрдийданинг “маънавий қиёфси” ва “феъл-атвори” тўғрисидаги уйдирмаларга йўл қўйилади. Бу жабрийданинг кўрсатмаларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш вазифасини жуда мураккаблаштириб юборади. Гендер андозаларига асосланган исботлашнинг қуйидаги уч қоидаларини қўллашдан воз кечиш керак. Ҳодиса ҳақида тезкор хабардор қилиш талаби: жабрдийда томонидан шаҳвоний зўравонлик юзасидан ариза бериш муддатлари билан боғлиқ исботлашнинг процессуал нормалари, қоидалари ва амалиёти. Айрим мамлакатларда ҳодиса тўғрисида ариза беришнинг кечикиши жабрдийда кўрсатмаларининг ҳаққонийлигига шубҳаланиш учун асос ҳисобланади. Шундай турдаги далилни таъминлаш ҳуқуқ тизимида зўравонлик ҳолати тўғрисида тезкор маълум қиласидан шаҳвоний зўравонликнинг “ҳақиқий” ёки “идеал” жабрдийдаси тўғрисидаги андоза тасаввурларини мустаҳкамлайди. Қўшимча далилларни тақдим этиш талаби факат жабрдийданинг кўрсатмаларига асосланган айлов ҳукмини чиқаришни тақиқлайди ва масалан, жабрдийданинг кўрсатмаларини ашёвий далиллар, экспертиза ёки тиббий кўрик натижалари ёхуд бошқа гувоҳларпнинг кўрсатмалари каби қўшимча далиллар билан мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий мажбуриятини ўрнатади. Бошқа зўравонлик жиноятларини қўриб чиқишида амал қиласидан, жабр кўрганнинг кўрсатмаларини бошқа далиллар билан мустаҳкамланмаганлиги асосида айлов ҳукмини чиқаришга йўл қўйиладиган исботлаш қоидалари билан таққосланганида бу шаҳвоний зўравонлик жабрдийдаси олдида турган исботлаш вазифасини мураккаблаштиради. Қўшимча далилларни тақдим этиш талаби хотин-қизлар шаҳвоний зўравонлик тўғрисида алдашаётганликлари ҳақидағи бидъатдан келиб чиқади ва шаҳвоний хусусиятга эга зўравонлик ҳаракатлари сабаблари ва вазиятларини янгилиш тушунишга асосланади. Жабрдийданинг ўз шаҳвоний тажрибасига асосланган кўрсатмалари ҳаққонийлигига шубҳаланишлар иффатли, ҳимматли ва ҳалол аёл кўпроқ ишончга сазовор деган андозани акс эттиради. Прокурорлар “агар

аёл зўравонлик муносабатларини тўхтатмаган бўлса, бу етарли даражада жиддий бўлмаган” ёки “агар жабрдийда жиддий қаршилик кўрмсатмаган бўлга, номусга тегиш рўй бермаган” каби ҳар қандай мавжуд андозаларга асосланган ҳаракатларга тўсқинлик кўрсатиши керак. Прокурорлар кўпроқ хотин-қизларга нисбатан содир этилган жиноятлар динамикасидан хабардор бўлишлари ва ишни суриштиришда жабрдийданинг зиддиятли деб кўринган ҳаракатларининг сабабларини аниқлашлари керак. Улар афсоналарнинг ишонарли эмаслигини исботллаш учун далиллар, исботлар ва статистика маълумотларидан фойдаланишлари керак. Ҳуқуқбузарликлар билан самарали кураш олиб боришни ва жабрдийдага етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш учун суд ҳимоясининг воситалари инсон ҳуқуқлари муайян бузилишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Гендер жиҳатини ҳисобга олган ҳолда ёндашув ҳар қандай аниқ вазият учун ҳуқуқий ҳимоянинг энг мақбул воситасидан фойдаланишни талаб этади. Судьялар (шунигдек ҳуқуқий ҳимоянинг муайян воситасини тавсия қилиши мумкин бўлган прокурорлар) ҳуқуқий ҳимоя воситалари “муайян ишга тааллуқли бўлган камситиш ва маргиналлаштириш моделларига барҳам беришга кўмаклашиши” ни аниқлаш учун қўйидаги саволларнинг қисқа рўйхатидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролик ишлари доирасида, масалан, бандлик соҳасида камситишда ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли воситаларига реституция (хуқуқларни тиклаш), етказилган зарарни қоплаш ва бунинг такрорланишига йўл қўймаслик чоралари киради. Шунга эътибор қаратиш керакки, шаҳвоний хирилик ва бандлик соҳасида камситишнинг бошқа шакллари жабрдийдалари ҳамиша ҳам иш жойида тикланишга интилмайди. Жабрдийдага етказилган зарарни қоплаш фақат унинг ҳуқуқларини тиклабгина қолмасдан, камситиш чораларини қўллаган шахс/ташкилотга аниқ дарак беради. Судлар ҳам шунигдек жабрдийдани реабилитация қилишга (тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар) нисбатан кўрсатма бериш масаласини қўриб чиқиши лозим. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка тааллуқли жиноий жараён доирасида ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли воситалари тўғрисида қарор қабул қилишда зўравонлик динамикаси ва жабрдийдага етказилган зарарни англаб этиш керак.

Истамбул конвенциясида ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли воситаларига тааллуқли муҳим қоидалар мажуддир. Фуқаролик суди иши доирасида зарарни қоплаш мақсадида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш жиноий жазони қўллашни истисно этмайди ва бунинг тескариси. Яъни хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жабрдийдалари жиноий жазо қўлланилиши (29-модда) билан бир қаторда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоядан (зўравонлик амалларини содир этган шахсга нисбатан) фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Жабрдийдалар ўзларига етказилган зарар қопланишини талаб этиш ҳуқуқига эгалар (30-модда). Жабрдийдалар фуқаролик суди иши доирасида зарар учун товон олиш ҳуқуқларидан ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартибидан ҳамиша ҳам хабардор бўлмайдилар, шуниг учун амалиётчи мутахассислар уларга тегишли асосий маълумотларни тақдим этишлари ва уларни ҳуқуқий

ёрдам кўрсатадиган муассасаларга юборишлари керак. Шунга қарамасдан уйдаги зўравонлик ҳолатларида айбдорга нисбатан молиявий жазолар кўпинча самара бермаслиги ва аёл эри ёки шеригидан молия масаласида тобе бўлса, бу унинг ахволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Истамбул конвенциясида ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли воситаларига тааллуқли муҳим қоидалар мажуддир. Фуқаролик суди иши доирасида зарарни қоплаш мақсадида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш жиноий жазони қўллашни истисно этмайди ва бунинг тескариси. Яъни хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жабрдийдалари жиноий жазо қўлланилиши (29-модда) билан бир қаторда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоядан (зўравонлик амалларини содир этган шахсга нисбатан) фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Жабрдийдалар ўзларига етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалар (30-модда). Жабрдийдалар фуқаролик суди иши доирасида зарар учун товон олиш ҳуқуқларидан ваа ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартибидан ҳамиша ҳам хабардор бўлмайдилар, шунинг учун амалиётчи мутахассислар уларга тегишли асосий маълумотларни тақдим этишлари ва уларни ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган муассасаларга юборишлари керак. Шунга қарамасдан, уйдаги зўравонлик ҳолатларида айбдорга нисбатан молиявий жазолар кўпинча самара бермайди ва аёл эри ёки шеригидан молиявий масалада тобе бўлса, бу унинг ахволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Суд амалиётидан мисол. “Эйрининг Ирландияга қарши” иши⁴³ (1979 йил). Европа инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан кўриб чиқилган бу иш уйдаги зўравонлик жабрдийдаси зўравонликдан ҳалос бўлиши учун бошқа йўллардан ташқари никоҳдан ажралиш жараёни ёки эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшашларига нисбатан жараёндан фойдалана олиши мумкин бўлган суд ҳимояси воситаси назарияда эмас, балки амалиётда ночор ахволдаги жабрдийдани хом хаёлдагина эмас, аниқ кафолатлаши зарурлигини кўрсатди. Жабрдийда ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдалана олиши учун ишнинг мураккаблиги, жабрдийданинг суд суриштирувларини ўтказиш тартибидан хабардор эмаслиги, шунингдек жабрдийданинг ўз манфаатларини тўла тарзда ҳимоя қилиш имкониятини бермайдиган ҳиссиёти сабабли унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни тақдим этиш талаб қилиниши мумкин. Гендер жиҳатини ҳисобга оладиган ҳуқуқий ҳимоя воситасига уйдаги зўравонлик ишларида самарали фойдаланиладиган муҳофаза буйруғи мисол бўла олади. Муҳофаза буйруғи – фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя воситаси бўлиб, унинг ёрдамида жабрдийда зўравонлик ҳаракатларини амалга оширган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғамасдан зўравонлик муносабатларини тўхтатиши мумкин. Муҳофаза буйруғининг ўзи уйдаги зўравонликдан тегишли ҳуқуқий ҳимоя воситаси ҳисобланмайди ва, қоида бўйича, алоҳида яшаш/ажрашиш жараёни ёки жиноий суд иши билан биргаликда ишлатилади. Истамбул конвенциясида таъкидланганидек, муҳофаза буйруқлари “бошқа ҳуқуқий тартиблардан мустақил ёки уларга қўшимча сифатида” фойдаланилиши ва бундан кейинги

⁴³ <http://europeancourt.ru/resheniya-evropejskogo-suda-na-russkom-yazyke/ejri-protiv-irlandii-postanovlenie-evropejskogo-suda/>

хуқуқий тартибларда қабул қилиниши мумкин бўларди (53-модда). Бундан ташқари, муҳофаза буйруғи бузилиши ҳолатида уни бузишда айбор шахс жиной жавобгарликка тортилиши керак. Зўравонлик ҳолатини (масалан, уйдаги ёки шаҳвоний зўравонлик) содир этган шахсни ўқитишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиши илғор амалиётга тааллуқлидир ва Истамбул конвенцияси талабларидан бири ҳисобланади (16-модда). Кўпгина ҳуқуқий тизимларда айблов айборларга жазога нисбатан қўшимча чора сифатида бу дастурларда қатнашишларини талаб қиласди, судлар эса шу ҳақда буйруқ беради. Шунга эътибор берингки, дастурларгҳда қатнашиш жазо тайинлашнинг ёки ҳуқуқий жазонинг муқобили бўлмаслиги керак. Бундай дастурларнинг мақсади – такроран ҳуқуқбузарликлар қилинишининг олдини олиш мақсадида айборларни қайта тарбиялашни таъминлаш ва уларни зўравонликсиз усусларни қўллашга ўргатишидир. Бундай дастурлар бошқа тадбирлар, масалан ҳиссиётларни назорат қилиш курслари, шахслараро муносабатлар бўйича маслаҳат бериш ҳамда спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларга боғлиқликдан даволаш билан бир йўла амалга оширилиши мумкин. Бироқ бу санаб ўтилган бошқа турлар ўрнини босмайдиган ёрдам кўрсатишнинг ўзгача шаклидир. Дастурлар муваффакиятли қўлланилганида қайта тарбиялаш зўравонлик жабрдийдаларини ҳимоя қилишнинг самарали муқобили бўлиши мумкин.

Бироқ бу каби дастурларни тайинлаганда ҳуқуқ тизимининг ходимлари дастур муайян мезонларга жавоб беришига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бунда энг муҳими – хавфларнинг баҳоланиши мавжудлиги ва жабрдийда хавфсизлигининг таъминланишидир.

Хотин-қизларга зўравонлик маъносида “тиклаш” (яъни аёл катта эҳтимолга кўра гендер зўравонилигининг сабабчиси бўлган ва ҳодиса содир бўлганидан аввалги вазиятга қайтарилиши) билан чегараланмасдан, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш тавсия этилиши ниҳоятда долзарбидир. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачи хотин-қизларга етказилган зарарнинг қопланиши трансформациявий салоҳиятни таъминлашга йўналтирилиши ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик асосида ётиши мумкин бўлган аввалги гендер иерархияси, тизимли маргиналлаш ва тузилмали тенгсизликни кучайтиришга эмас, балки уларга барҳам бериш мақсадига йўналтирилишини уқтиради. Одил судлов тизимининг ходимлари гендер бидъатлари ва тузилма даражасидаги андозаларга барҳам беришга йўналтирилган трансформациявий салоҳиятга эга ҳуқуқий ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласди ва уларнинг аҳволини яхшилайдилар. Шу тарзда судья юрисдикциясига боғлиқ равишда жараён иштирокчилари томонидан талаб қилинмаган ҳуқуқий ҳимоя чораларини қўллаши ва жамиятга янада қўламлироқ таъсир кўрсата олиши мумкин. Бу муайян давлат субъектларига (масалан, ҳуқуқ-тартибот органлари ёки тиббиёт муассасаларининг ходимларига) зарур чораларни кўриш тўғрисидаги буйруқлар бўлиши мумкин. Суд бундан ташқари бир томонлама тартибда ҳуқуқий ҳимоя воситаларини танлаш ўрнига ижроия ҳокимият билан мулоқот

давомида тегишли хуқуқий ҳимоя воситасини аниқлаб олиши ҳамда ундан ушбу иш бўйича қарор таклиф этишини ва кўриладиган чоралар тўғрисида судда маълум қилишни талаб этиши мумкин. Суд тизими жамиятга транформациявий таъсир ўтказиши ҳамда алоҳида бир ишни унинг ижтимоий маъносини ҳисобга олмаган ҳолда тор баҳолаш ўрнига расмий ва асосли тенглик муаммосини тизимли қараб чиқиш ҳисобига жамиятда тенглик ўрнатишга кўмаклашиши мумкин.

Жазолашadolатли, камситилмайдиган, мутаносиб, келишилган ва изчил бўлиши керак. Шунга эътибор берингки, жазолашнинг асосий мақсади зўравонликнинг такорран содир этилишининг олдини олиш, жабрдийдани ҳимоя қилиш ва айборни жавобгарликка тортиш бўлиши керак. Айборни реабилитация қилиш жиной жазонинг асосий мақсади бўлиши мумкин эмас. Турли мамлакатларда суд томонидан жазо чораларини белгилашнинг турли тартиблари қўлланилади (Европадаги айрим мамлакатларда суд айборнинг айбини ўрнатади, шундан кейин судья судлаувчининг тавсифига мурожаат қиласди, бошқа мамлакатларда бу икки босқич бирлаштирилган). Шунга қарамасдан, судьялар ва прокурорлар жиной суд иши бўйича хукм чиқариш маъносида бошқа нарсалар қатори, қуидагиларга амал қилишлари мумкин.

Илғор амалиёт: айрим судлар хукм чиқариш бўйича қўлланма ишлаб чиқсанлар, бу судьяларга уйдаги ва шаҳвоний зўравонлик учун жазо чоралари тўғрисида қарор чиқаришларига ёрдам беради. Жумладан, Буюк Британияда ушбу қўлланмаларда судьялар ҳисобга олиши керак бўлган ва хукм чиқаришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг рўйхати келтирилади. Қўлланма тадқиқотларга ва далилларга асосланган ҳамда эксперталарнинг муаммога умумий ёндашиши ва холосаларига асосланган. Қўлланмада мавжуд кўрсатмаларнинг бажарилиши вақти-вақти билан текшириб турилади. Англия ва Уэльснинг хукмлар бўйича кенгashi шаҳвоний асосда, уйдаги зўравонлик ва муҳофаза буйруқларининг бузилишига доир жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича қўлланма тайёрлади. Судлар ва прокурорлар суд қарорларининг, айниқса жиной суд иши (аммо фуқаролик ишларида ҳам, масалан муҳофза буйруғи бузилишига тааллуқли) ҳолатларида суд қарорларининг ижросини таъминлашда ўз ролларини ўйнайдилар. Жиной жазо, жазони ўташ шароитлари ва озод қилишни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинар экан, жабрдийдалар ва бошқа шахсларга нисбатан келгусида такорран зўравонлик ҳолатлари хавфини баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш керак. Уйдаги зўравонликнинг кўпгина ҳолатларида хавфни баҳолаш полиция томонидан илк босқичларда ўтказилади. Бироқ бундай баҳолашнинг натижалари қайта кўриб чиқилишини таъминлаш муҳимдир ва ушбу жараён одил судлов сектори турли субъектларининг келишилган ҳолдаги иштирокини талаб қиласди. Судья эксперталарнинг айниқса озод қилиш шартлари тўғрисида қарор қабул қилишда айборнинг унинг атрофдагилар учун хавфи тўғрисидаги холосасига таянади. Хукм қилинган озодликдан маҳрум этилган жойларда бўла туриб ҳамон жабрдийдага таҳдид solaётган бўлса, бу маълумот озодликдан маҳрум қилиш муддатини қайта кўриб чиқишида ҳисобга олиниши керак. Европа Иттифоқи хавфли жиноятчилар билан боғлиқ хавфларни

бошқариш маъносида “турли муассасалар ва персонал ўртасида ҳамкорлик давомида ахборотнинг етишмаслиги, тушунмовчилик ва/ёки эҳтимол тутилган хавфларга тегишли муносабат мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммоларни камайтириш учун саъй-ҳаракатлар қилиш кераклигини” таъкидлайди.

Тажриба зарур ахборотлар айрибошлаш ёки тегишли органлар томонидан тегишли чора кўриш мавжуд бўумаганида жиноятнинг такрорланиш эҳтимоли бўлишидан далолат беради. Ана шундай суриштирувларнинг натижаси бир нечта муҳофаза буйруғининг берилиши, зўравонни судгача қамоқда сақлаш, руҳий, психологияк, ижтимоий ёрдам бериш ва зўравонни озодликдан маҳрум этиш бўлди. Бир нечта жазо чоралари қўлланилди, бироқ ҳукм қилинган икки ҳуқуқбузарлик учун (улардан биттаси - даъвогарга уни ўлдириш таҳди迪) озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтамади. Европа инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши давлат турли жиноий ишларни ва бир шахс томонидан бир жабрдийдага нисбатан бир неча марта содир этган, зўравонлик ҳаракатларига тааллуқли қатор кичикроқ ишларни эътиборга олмасдан, шунингдек умуман ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олишни таъминламасдан даъвогарнинг ҳуқуқларини тегишли ҳимоясини таъминламаганлигини таъкидлади. Ана шу ҳолат бизнинг эътиборимизни ҳуқуқий тизим турли субъектларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришнинг аҳамиятини, шунингдек ўтмишда содир бўлган зўравонлик барча ҳолатларинижа жазо чорасини тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишда судланганлигини тегишли ҳисобга олиш муҳимлигига қаратади. Бундан ташқари, ушбу иш суд қарорлари ва жазо чоралари ижроси устидан суд назорати ролини кўрсатади.

Илова

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАХОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А
(III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажralmas ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўркув ва муҳтожлиқдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг teng ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга қўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга қўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характеристини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адo этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош

Ассамблея

мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласр экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига қўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

1-МОДДА

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва teng бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-МОДДА

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айрмачилик бўлмаслиги керак.

3-МОДДА

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-МОДДА

Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

5-МОДДА

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-МОДДА

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли.

7-МОДДА

Барча одамлар қонун олдида тенгdir ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундейдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

8-МОДДА

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-МОДДА

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-МОДДА

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

11-МОДДА

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.
2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-харакати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда кўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-МОДДА

Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралashiш, уйжойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

13-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

14-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
2. Бу ҳуқуқдан носиёсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин.

15-МОДДА

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуки бор.
2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-МОДДА

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.
2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.
3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-МОДДА

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-МОДДА

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини

ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русларни маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

19-МОДДА

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тусқиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-МОДДА

1. Ҳар бир инсон тинч йигинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-МОДДА

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқقا эга.
3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиётининг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

22-МОДДА

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-харакатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

23-МОДДА

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.
3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносаб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.
4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-МОДДА

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, қасаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга борлиқ бўлмаган шароитларга кўра тириклий учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.
2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхурлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмагандан бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.
2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча ҳалклар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.
3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

27-МОДДА

Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28-МОДДА

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва ҳалқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.

29-МОДДА

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда хурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

30-МОДДА

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гурухи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ, қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАМСИТИЛИШИННИГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

Бош Ассамблеяниң 34/180 резолюцияси билан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатлари:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадрияти ва қадр-қимматига, эркак ва аёлларнинг teng ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топдирганлигини ҳисобга олган ҳолда,

Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик принципини таъкидлаб, барча инсонлар ҳуқуқ ва қадр-қимматларида teng ва эркин бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, ҳар бир инсон шу жумладан жинсдаги нисбатан бўлган фарқлардан қатъи назар барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклигини эълон қилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пактларнинг иштирокчи — давлатларига эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан teng фойдаланишни таъминлаш вазифалари юқлатилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар кафиллигида тузилган халқаро конвенцияларни эътиборга олган ҳолда,

шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда,

мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиш ҳоллари ҳамон юз берадиганлигидан ташвишланиб, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиши инсон қадр-қимматига бўлган хурмат ва тенг ҳуқуқлилик принципларига путур етказишини, аёллар эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, оила ва жамият фаровонлигининг ўсишига халақит беришини ва инсоният ва ўз мамлакатларининг манфаатлари йўлида хотин-қизларнинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлишига яна ҳам кўпроқ қийинчиликлар туғдиришини эслатиб, қашшоклик шароитларида

хотин-қизларнинг озиқ-овқатга, соғлиқни сақлашга, таълимга, касб тайёргарлигига ва ишга жойлашиш имкониятларига, шунингдек, бошқа эҳтиёжларни қондиришга имконияти жуда кам эканлигидан ташвишланиб,

тенглик ва адолат асосида ўрнатилган янги халқаро иқтисодий тартиб эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлашда анчагина имконият беришига қатъий ишониб,

ирқий айирмачиликни, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик, агрессия давлатлар устидан ҳукмронлик ўрнатишни, бошқа давлат томонидан босиб олинишини ва ҳукмронлик қилишини ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашишни бартараф қилиш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг зарур омиллари эканлигини таъкиддаб,

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъий назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш, айниқса, ядрорий қуролсизланиш мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ва бошқа давлатлар оккупацияси остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий мустақиллиги ва худудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга қўмаклашишини ҳамда бунинг оқибати ўлароқ эркаклар билан аёллар ўртасида тўла тенгликка эришиш имконини беришини тасдиклаб, мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонликва тинчлик иши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан баравар мумкин қадар кўпроқ иштирок этишларини талаб қилишига қатъий ишониб,

хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган ҳозиргача тўла тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналиктининг

ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда аёлнинг насл давомчиси сифатидаги ўрни аёл ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва аёлларнинг ва умуман жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини англаб, эркак ва аёл ўртасида тўла тенгликка эришиш учун, ҳам эркак, ҳам аёлнинг жамият ва оилада тутган анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини тан олиб, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишини бартараф этиш тўғрисидаги Декларацияда эълон қилинган принципларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай ҳуқуқлар камситилишининг барча шакллари ва кўринишларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўришга азму қарор қилиб,

Кўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади ўлароқ “хотин-қизларнинг камситилиши” тушунчаси, ҳар қандай фарқ, жинсий белгиларига қўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади.

2-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усууллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этишни таъминлаш;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш;

в) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишини ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

г) хотин-қизларни камситадиган бирон-бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;

д) бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;

ж) хотин қизларни камситишдан иборат бўлган ўзинингжиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

3-модда

Иштирокчи давлатлар эркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон ҳукуқлари ҳамда асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотин-қизларнинг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

4-модда

1. Мазкур Конвенцияда кўрсатилганидек, иштирокчи давлатлар томонидан хотин-қизларнинг эркаклар билан амалда тенглигини таъминлашни тезлаштиришга қаратилган вақтинча қабул қилинган маҳсус чоралар ҳукуқларни камситувчи деб ҳисобланмайди, лекин у тенг ҳукукли бўлмаган ёки табакалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига асло олиб келмаслиги керак; қачонки имкониятларнинг тенглиги ва тенг ҳукукли муносабатнинг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши зарур.

2. Иштирокчи давлатлар оналикни ҳимоя қилишга қаратилган маҳсус чораларни, жумладан ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларни қабул қилиши камситувчи чоралар деб ҳисобланмайди.

5-модда

Иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад:

а) эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атвор моделларини битта жинс иккинчиси устидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган хурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш;

б) болалар манфаатлари барча ҳолларда устун туришини назарда тутиб, оиласвий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз болалари тарбияси ва қамолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилиши қамраб олинишини таъминлаш.

6-модда

Иштирокчи давлатлар аёлларни сотишининг ва фоҳишалиқда ишлатишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

II ҚИСМ

7-модда

Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қуидаги ҳукуқларни таъминлайдилар:

- а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш;
- б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;
- в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти муаммолари билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

8-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қатнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўрадилар.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар фуқароликни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки сақлаб қолишида аёлларга эркаклар билан тенг ҳукуқларни беради. Улар, жумладан чет эл кишисига турмушга чиққанда ҳам, турмушга чиқаётган вақтда турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганда ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмайди, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантирмайди ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур эта олмайди.
2. Иштирокчи давлатлар аёлларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳукуқлар беради.

III ҚИСМ

10-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Жумладан, қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) шаҳар туманлари сингари қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги концепциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркаклар ва аёллар билимдаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта ёшдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оиласлар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган маҳсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш.

11-мода

1. Хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айни вақтда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни, жумладан, қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш чораларини кўрадилар:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёzlари ва шартшароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарлиқдан ўтиш ҳукуқи;

г) имтиёzlар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашишҳукуқи;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳукуқи, шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил ҳукуқи;

ж) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини саклаб қолиш ҳукуқи;

2. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали ҳукуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қуидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оиласвий аҳвол туфайли камситишни санкциялар қўлланиш таҳди迪 остида ман қилиш;

б) охирги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақи тўланадиган таътиллар ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналар оиласвий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамоат ҳаётидаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини кенгайтириш йўли билан, қўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишни рафбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун заарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш;

Мазкур моддада ўз аксини топган ҳукуқларни ҳимоя килишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан қўриб чиқилади, шунингдек, заруратга қараб қайтадан қўрилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

12-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳукуқлари камситилишига барҳам бериш мақсадида, эркак ва аёлларга тиббий хизматни тенг таъминлаш, оиласвинг катта-кичиклигини режалаштириш масалаларида тегишли барча чораларни кўрадилар;

Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1- банди қоидалари билан бир қаторда аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматлар билан таъминлайди ва зарурият туғилганда, бепул

хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, ҳомиладорлик ва эмизикли даврида керакли озиқ-овқатларни етказиб берадилар.

13-модда

Иштирокчи давлатлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш, шу билан бирга эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида уларнинг тенг ҳукуқларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар, жумладан қуидаги ҳукуқларни таъминлайдилар:

- а) оилавий нафақа ҳукуқи;
- б) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олиш ҳукуқи;
- в) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашиш ҳукуқи.

14-модда

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилалари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда мухим роль ўйнашини, шунингдек, уларнинг товарсиз хўжалик тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўрадилар.

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ худудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, бундай хотин-қизларга қуидаги ҳукуқларни таъминлайдилар:

- а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- б) оилани режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни қўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;
- в) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;
- г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;
- д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имкониятларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз ўзига ёрдам кўрсатиш гурухларини ташкил этиш;
- е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимиға, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислоҳотларда, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.

IV қисм

15-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бирхил фуқаролик хуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида хотин-қизларнинг тенг хуқуқларини, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.

3. Иштирокчи давлатлар шунга қўшиладиларки, хотин-қизларнинг хуқуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай хуқуқий шартномалар ва бошқа ҳар хил хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Иштирокчи давлатлар эркак ва хотин-қизларга шахснинг кўчиб юриши, яшаш ва тураг жойни танлаш эркинлигига тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан бир хилдаги хуқуқларни беради.

16-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги хуқуқларни таъминлайдилар:

- а) никоҳдан ўтишда бир хил хуқуқлар;
- б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан фақат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг хуқуқлар;
- в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги хуқуқ ва бурчлар;
- г) болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қати низар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги бурч ва хуқуқларга эга бўлиши;
- д) оиласда болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу хуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотларга ва таълим олишга бир хилда ёндашиш хуқуқига эга бўлиш;

е) болаларни фарзандликка олиш, ваколат бериш, тарбиялаш, васийлик қилиш ёки шунга үхшаш вазифаларни миллий қонунга асосан амалга оширишда барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда бир хил бурч ва хуқуқларга эга бўлиш;

ж) эр ва хотиннинг teng шахсий хуқуклари, шу жумладан, исмишарифини, касб ва машғулотни танлаш хукуқи;

з) эр-хотиннинг мол-мulkка бепул ва пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги teng хуқуклари.

2. Болани унаштириб қўйиш ва никоҳлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишнинг энг куйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида, барча зарур, шу жумладан, зарур қонунчилик чора-тадбирлари кўрилади.

Vқисм

17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини қўриб чиқиш учун хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш қўмитаси таъсис этилиб (бундан буён Кўмита деб аталади), Конвенция кучга киргунгача ўн саккизта ратификация қилингандан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи давлатнинг қўшилганидан сўнг эса, мазкур Конвенция соҳасини мукаммал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат бўлади. Бу эксперtlар иштирокчи давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда ўринлар тақсимотидаadolat билан географик ҳудуд ва ҳар хил шаклдаги цивилизация, шунингдек асосий хуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

2. Кўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг фуқароларидан битта вакилнинг номзодини бериши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайлов ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи давлатларга икки ой мобайнида ўз вакилларини қўрсатиш бўйича таклифларини юборишни хат орқали сўрайди. Бош котиб барча иштирокчи давлатлар томонидан ушбу тарзда қўрсатилган шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибида тайёрлаб, иштирокчи давлатларга тақдим этади.

4. Кўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи давлатлар йиғилишида сайланадилар. Бу йиғилишда мажлисни ҳақиқий деб ҳисоблаш учун иштирокчи давлатларнинг сони учдан икки қисмни ташкил этиши лозим. Қатнашадиган ва овоз беришда иштирок

этадиган иштирокчи давлат вакилларининг энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар Кўмитага сайланган шахслар деб ҳисобланадилар.

5. Кўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловлар ўтказилгандан кейин оқ бу тўққиз аъзонинг фамилияси Кўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

6. Кўмитанинг беш нафар қўшимча аъзоси шу модданинг 2-, 3- ва 4-бандларига мувофиқ Конвенция ратификация қилинганидан сўнг ёки унга ўттиз бешинчи давлат қўшилгандан кейин сайланади. Шу тарзда сайланган икки қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди, бу икки қўшимча аъзонинг фамилияси Кўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи давлатлар эксперти Кўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган бўлса, кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Кўмитанинг розилиги билан ўз фуқаролари ичидан бошқа экспертни тайинлади.

8. Кўмита аъзолари Бош Ассамблея тасдиқлайдиган мукофотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Ассамблея белгилайдиган шартлар ва тартибларга кўра Кўмитанинг вазифаси муҳимлигига қараб оладилар.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга кўра, Кўмитанинг вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган ходимлар ва моддий маблағлар билан таъминлаб боради.

18- модда

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ва бу борада эришилган силжишлар ҳақидаги маъruzани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Кўмитанинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш мажбуриятини оладилар, жумладан:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йил ичида;

б) шундан кейин ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, бу ҳакда Кўмита расмий равища сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган қийинчилик ва омиллар кўрсатилиши мумкин.

19- модда

1. Кўмита ўзи шахсий бажарадиган ишлар тартибиқоидаларини тасдиқлайди.

2. Кўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

20-модда

1. Кўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига кўра тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида, қоида бўйича икки ҳафтадан ошмайдиган давр ичида ҳар йили мажлис ўtkазиб туради.

2. Кўмитанинг йиғилишлари қоида бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Кўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

21-модда

Кўмита ҳар йили Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти ҳақидаги маъruzасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тақдим этади ва иштирокчи давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий характердаги таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Иштирокчи давлатларнинг фикрлари билан бирга, агар шундай фикрлар бўлса, умумий характердаги шундай таклиф ва тавсиялар Кўмитанинг маъruzасига қўшимча қилиб киритилади.

Бош котиб Кўмита маъruzаларини хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссияга ахборот учун жўнатиб туради.

22-модда

Ихтисослашган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг қоидаларини амалга ошириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш чоғида вакиллик қилиш хукуқига эгадир. Кўмита ихтисослашган муассасаларга Конвенцияни амалга ошириш бўйича уларнинг фаолият доирасига кирадиган соҳалардаги маъruzаларни тайёрлашни таклиф қилиши мумкин.

23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг хукуқликка эришиш имкониятларини берувчи қуйида мавжуд бўлган қоидаларга дахл килмайди:

а) иштирокчи давлатларнинг қонунларида ёки;

б) шундай давлатлар учун юридик кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, битим ёки шартномада.

24 -модда

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган хуқуқлар тўла амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

25- модда

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан унга имзоланиш учун очикдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция унга барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир. Унга қўшилиш шу ҳақдаги хужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

26-модда

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимослар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи давлатлар томонидан ёзма равишда исталган вақтда хабарнома орқали йўлланиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чораларни қабул қилиш зарурлигини эътироф этса, бу илтимосга нисбатан айнан қайси чораларни кўриш зарурлиги ҳақида қарор қабул қиласди.

27-модда

Мазкур Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги хужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилгандан сўнг ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Конвенцияни ратификация қиласдиган ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги хужжат сақлаш учун топширилгандан кейин ушбу Конвенция ҳар бир давлат учун ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

28-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан айтилган шартларнинг матнини қабул қилиб олиб тарқатади.

2. Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

3. Шартлар хоҳлаган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса Бош котиб бу ҳақда барча иштирокчи давлатларга маълум қиласи. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

29-модда

1. Мазкур Конвенцияни қўллаш ёки талқин этишга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳар қандай баҳс музокара йўли билан ечилмаса, унда томонлардан бирининг илтимосига биноан арбитраж муҳокамасига тақдим этилади. Агар арбитраж муҳокамасига берилган ариза олти ой ичida икки томоннинг келишувига имкон яратмаса, унда хоҳлаган томон шу баҳс юзасидан суд мақомига қўра тегишли ариза орқали Халқаро Судга мурожаат килиши мумкин.

2. Ҳар қайси иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини таъкидлаши мумкин, Бошқа иштирокчи давлатлар ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқиб, шундай шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан мажбурият олмайдилар.

3. Мазкур модданинг 2-бандига тегишли шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлат истаган пайтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаш билан ўз шартларини олиб ташлаши мумкин.

30-модда

Мазкур Конвенциянинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хилдадир. Сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

Етарли ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар ушбуни тасдиқлаб, мазкур Конвенцияни имзоладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлизлика ва жинсий эркинликка тажовуз қиласиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбуrlаш;

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа хукуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа хукуқлари ва эркинликларига тажовуз қиласиган зўравонлик шакли;

зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш

билин таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иш жойи — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;

рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчida ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

тазиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчи — ўзига нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдида остида бўлган ёки тазиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиласидиган ҳаётини вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга

қаратилған иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

химоя ордери — тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

4-модда. Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

садир этилган тазийқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

5-модда. Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек кўйиш учун самарали ташкилий-хуқуқий механизмларни яратиш;

хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва стратегияларни тасдиқлайди;

тазиик ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлаш бўйича тузилмаларни ташкил этади;

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги худудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат

нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласи;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

8-модда. Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни ҳамда қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳди迪 мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

9-модда. Мехнат органларининг хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Мехнат органлари:

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни ҳамда қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазийқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларидан қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

10-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ҳамда таълим муассасаларининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурлар ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни мажбурий меҳнатга ва ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир фактлар тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қиласди;

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек тазийқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қиласди;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

12-модда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларда иштирок этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан якка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишида иштирок этади;

низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошقا

институтларининг хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда мазкур соҳада хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиласда маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

14-модда. Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги

Ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласди:

аниқланган тазиқ ва зўравонлик фактлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш;

тазиқ ва зўравонлик ҳолатларига муносабат билдириш чораларини келишиш ҳамда тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тазиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш ва тажриба алмашиш соҳасидаги чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

тазийқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши қурашиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, қонун ҳужжатларини ва уларнинг қўлланилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

15-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишининг умумий чора-тадбирлари

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишининг умумий чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат:

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

тазийқ ва зўравонликнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;

фуқароларни, айниқса хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, шунингдек ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш;

тазийқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гурухларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;

тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш.

16-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисботи

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчилар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

17-модда. Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчини хабардор қилиш

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизmlари, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таниширади.

Зарур бўлган тақдирда ваколатли органлар ва ташкилотлар содир этилган тазийқ ва зўравонлик факти муносабати билан ариза беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасалари тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганга унга нисбатан зўравонлик содир этган шахс жазони ижро этиш жойидан озод этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойидан ташқарига қисқа муддатта чиқарилганлиги ёки қочиб кетганлиги ҳақида зудлик билан хабар беради.

18-модда. Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчилар учун ишонч телефоны

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи маҳфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади. Ишонч телефони орқали олинган ахборотни ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

19-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг хотин-

қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлардир.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар муайян шахснинг, унинг ижтимоий мухитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, тазийқ ва зўравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек у содир этган тазийқ ва зўравонликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

20-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун асослар

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари;

тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланishi;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазийқ ва зўравонлик фактлари аниқланган тақдирда бу ҳақда тегишли ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Ички ишлар органлари тазийқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тартибдаги чора-тадбирлар қўриши шарт.

21-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари жумласига қуйидагилар киради:

профилактика сухбатини ўтказиш;
химоя ордерини бериш;
тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;
зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

22-модда. Профилактика сухбати

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган хулқ-автор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-авторнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика сухбати ўтказилади.

Тазийқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан профилактика сухбати тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

23-модда. Ҳимоя ордерини бериш ва унинг муддатини узайтириш

Ҳимоя ордери тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчига берилади. Тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади.

Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қиласи.

Шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли хужжатни имзолашни рад этган тақдирда, ҳимоя ордерини топшираётган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан холислар иштироқида далолатнома тузилади.

Тегишли ҳудудда тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазийқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичida ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпине билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат уни берган ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Ҳимоя ордерининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

24-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигига қўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери уларнинг қонуний вакилига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ҳимоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичida юборилади.

25-модда. Ҳимоя ордерининг мазмуни

Ҳимоя ордерида қўйидагилар кўрсатилади:

у расмийлаштирилган сана ва жой;

уни расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, касби ҳамда яшаш жойи;

ушбу Қонуннинг **26-моддасида** назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Ҳимоя ордерида тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг судга мурожаат қилиш хуқуқи тўғрисидаги, тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиги хақидаги маълумот кўрсатилади.

26-модда. Ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловлар

Ҳимоя ордерида қуидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;

тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш хуқукини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир хуқукини тақиқлаш.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда ушбу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган талаблардан ташқари, унга тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисидаги шарт мажбурий тартибда киритилади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиши чоғида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиши билан бир вақтда иш материаллари жиноий жавобгарликка

тортиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

27-модда. Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказлар

Тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказлар (бундан буён матнда маҳсус марказлар деб юритилади) ташкил этиши мумкин.

28-модда. Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни маҳсус марказларга жойлаштириш

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг маҳсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчини маҳсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига қўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат маҳсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Маҳсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, маҳсус марказ маъмурияти бу ҳақда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи маҳсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг маҳсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўtkазиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазийқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбордor деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

29-модда. Зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини тузатишга қаратилган тадбирлар

Зўравонлик такороран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Маълумотларнинг маҳфийлиги

Тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчига ёрдам кўрсатган шахсларга маълум бўлиб қолган барча шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан кўриқланади.

Тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчининг шахсига доир маълумотлари ишониб топширилган ҳамда касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан бу маълумотлар ўзига маълум бўлиб қолган, ушбу маълумотларни ошкор этишга йўл кўйган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

31-модда. Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш

Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

32-модда. Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 сентябрь,
ЎРҚ-561-сон

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й.,
03/19/561/3680-сон)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

(Кўчирмалар)

УМУМИЙ ҚИСМ БИРИНЧИ БЎЛИМ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

I боб. Жиноят кодексининг вазифалари ва принциплари

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

Қасддан одам ўлдириш —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;
- в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;
- г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;
- д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;
- е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- ж) ўта шафқатсизлик билан;
- з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;
- и) тамагирлик ниятида;
- к) миллий ёки ирқий адоват замирида;
- л) безорилик оқибатида;
- м) диний таассублар замирида;
- н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;
- о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;
- п) бир гурух шахслар ёки уюшган гурух аъзоси томонидан ёхуд ўша гурух манфаатларини кўзлаган ҳолда;
- р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши — *Олдинги таҳрирга қаранг.*

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли

тажсовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 8 ва 9-банлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиши тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 12-банди.

(97-модданинг иккинчи қисми санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ-99-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда)

99-модда. Онанинг ўз чақалогини қасдан ўлдириши

Онанинг ўз чақалогини туғиши вақтида ёки туғилиши ҳамон қасдан ўлдириши —

Олдинги таҳрирга қаранг.

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(99-модданинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириши

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(100-модданинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

▀ LexUZ шарҳи

Қаранг: мазкур Кодекс 37-моддасининг иккинчи қисми.

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажсовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасдан одам ўлдиришига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 24-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги 13-сонли «Бир неча

жиноят содир этилганда қилмииши квалификация қилишига доир масалалар тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбоишиси.

103¹-модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш

Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, —

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириклириб;

в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли «Ўзини ўзи ўлдириши даражасига етказили жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 1 — 4, 6-бандлари, 7-бандининг иккинчи хатбоиши.

(103¹-модда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сон Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)

II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар

104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш

Олдинги таҳрирга қаранг.

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлигининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, —

(104-модда биринчи қисмининг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-567-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(104-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- д) тамагирлик ниятида;
- е) безорилик оқибатида;
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;
- и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;
- к) бир гурух шахслар томонидан содир этилган бўлса, —
- Олдинги таҳрирга қаранг.*

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(104-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Конуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

Қасдан баданга оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасдан одам ўлдирган шахс томонидан;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- г) уюшган гурух аъзоси томонидан ёки шу гурух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
- д) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса, —
- Олдинги таҳрирга қаранг.*

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(104-модда учинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Конуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасдан шикаст етказишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 14-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиши тартибини

бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 12-банди.

105-модда. Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг **104-моддасида** назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вакт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(105-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) ўта шафқатсизлик билан;
- д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- е) тамагирлик ниятида;
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;
- и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг **104-моддасида** назарда тутилган қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг **97-моддасида** назарда тутилган қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;

л) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(105-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасдан шикаст етказишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиши тартибини бузишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиши ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси.

106-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha оғир шикаст етказиш

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айборнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha оғир шикаст етказиш

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(106-модданинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасдан шикаст етказишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 23-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажсовузлардан зарурӣ мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 6 ва 8-бандлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори 10-бандининг биринчи хатбошиси.

109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(109-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

▀ LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-моддаси.

Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(109-модда икkinchi қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 24-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 13-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 3-бандининг икkinchi хатбоиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиши тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг икkinchi хатбоиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси.

110-модда. Қийнаш

Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу Кодекснинг **104, 105-моддаларида** назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(110-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

Ўша ҳаракатлар:

- а) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(110-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасдан шикаст етказишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси, 25-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 13-банди.

III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар

112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(112-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

Ўша ҳаракатлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гурух аъзоси томонидан ёки шу гурух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(112-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(112-модда учинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 4-бандининг иккинчи хатбошиси.

Олдинги таҳрирга қаранг.

IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар

118-модда. Номусга тегиши

Номусга тегиши, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш —

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиши:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг **119-моддасида** назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гурух шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиши:

- а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган ҳолда;
- б) яқин қариндошга нисбатан;
- в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;
- г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган шахснинг номусига тегиши —

Олдинги таҳрирга қаранг.

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(118-модда тўртинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

 LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўгрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасдан одам ўлдиришига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўгрисида»ги қарорининг 13-банди.

119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш

Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш —

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша харакатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг **118-моддасида** назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гурух шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг **биринчи ёки иккинчи қисмида** назарда тутилган ҳаракатлар:

а) жабрланувчининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошига нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(119-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 681-1-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 181-модда)

■ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасдан одам ўлдиришига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 13-банди.

121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айборга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(121-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(121-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

В боб. Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар

128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбордага аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(128-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(128-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

 LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиши ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 7-банди.

129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбордага аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(129-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда)

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(129-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

VI боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар

135-модда. Одам савдоси

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(135-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

Ўша ҳаракатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини кўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига қўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

- б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

▀ LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашии тўғрисида»ги Қонуни.

▀ LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

(135-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-179-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2008 й., 37-38-сон, 366-модда)

136-модда. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(136-модданинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

▀ LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14 ва 53-моддалари.

137-модда. Одам ўғрилаш

Ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмагани ҳолда одам ўғрилаш —

Олдинги таҳрирга қаранг.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(137-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августандаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

Ўша ҳаракат:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

- б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда;
- в) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —
Олдинги таҳрирга қаранг.

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(137-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

Ўша ҳаракат:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

Олдинги таҳрирга қаранг.

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(137-модда учинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

VII боб. Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар

148²-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян хуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян хуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(148¹ ва 148²-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон — 2020 йил 24 апрелдан кучга киради)

